

Турсунбой Каримов

АЗИЗ ЮРТИМ

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

1993 йил.

84(59)6-920.9808.

2013/008 8198	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
------------------	---

(С) Т. Каримов, 1993 й.

Н 4702620202—
М352(04)—93 қатъий буюртма ВЗ

ISBN 5-635-01291-4

HO 41564
2

АЗИЗ ЮРТИМ

Азиз юртим, туғилган юртим,
Киндик қоним тўкилган юртим.

Мафтунингман сенинг бир умр,
Сен қалбга куч, сен кўзимга нур.

Азиз эсан шамолинг сенинг.
Онам кўрни—жамолинг сенинг.

Сен жаннатсан кезсам бағрингда,
Хоҳ қишлоғинг, хоҳи шаҳрингда.

Ҳар бир сқним тупроғинг сенинг.
Танамнинг бир парчаси менинг.

Мен жоним деб севганман сени,
Ҳам қоним деб севганман сени.

Қонсиз, жонсиз яшолмайман мен,
Юртим, сенсиз яшолмайман мен.

НАВРЎЗ

Инсон ҳаёл этган гўзаллик, бахтнинг,
Тирик ифодаси, ўзисан Наврўз!
Гўзаллик нуридан яралган тахтнинг,
Кўрки, салобати, юзисан Наврўз!

Байрамни табиат ўзи бошлайди,
Кўм-кўк япроқ билан, оппоқ гул билан.
Сувлар ер бағрига сингиб, ошлайди,
Қушлар наво чалиб ширин тил билан.

Одамлар бу ҳолга жўр бўлар яйраб,
Уйғониш, ўсишга бағишлар ўзин.
Қўш ҳайдар ҳўкизлар шохини мойлаб,
Ерга уруғ сочар ўйлаб ризқ-рўзин.

Бу байрам асоси худо буйруғи,
Табиат, жамият фасли ўзгарар.
Қиш олисга қочар судр.б кўйруғин,
Одаму ўсимлик насли ўзгарар.

Одамлар яшаса аҳил ва улфат,
Бойлик, ризқимизга кирар барака.

Ҳаётдан чекинар қийинлик, кулфат,
Ўйна-кулиб ўтар тўю-маърака,

Холис ният билан, онгу эс билан,
Ҳалол меҳнат қилиб топса ҳарким нон.
Билмасга ўргатса ҳар ишни билган,
Ҳаёт гуллаб кетар, роҳат топар жон,

Оламда янгилик жарчисисан сен,
Сен келсанг янгидан туғилар олам.
Жаннатнинг ердаги парчасисан сен,
Сен сабаб ғафлатдан ўйғонар одам.

Бугун тузум янги, Ҳокимлик янги,
Янги иш, номларга бурканибсан сен.
Янгидир дарахтлар, майсалар ранги,
Элни янгिलाшга ўрганибсан сен.

Бу улуг айёмда одам наслига,
Бирлик, ҳамжиҳатлик ёр бўлсин дейман!
Хўш келибсиз, Наврўз — баҳор фаслига!
Бахтингиз ҳаминча бор бўлсин, дейман!

17-март 1992 й.

МУСТАҚИЛ ЭЛ АСКАРИ БЎЛ!

Пок, чарогон қуёш йўли.
Мустақиллик энг бош йўли,
Халққа яқин, сирдош йўли,
Мустақил эл аскари бўл!

Олий кенгаш нури порлар,
Элни ҳалол ишга чорлар.
Унга жўрдир юрак торлар,
Мустақил эл аскари бўл!

Президент бош йиғини,
Очиқ айтир бор-йўғини.
Ловиллатиб дил чўғини,
Мустақил эл аскари бўл!

Хумо қуши сиймоси бор.
Ҳамма ният элга ошкор.
Халқ фикри кенг, ўйланмас тор,
Мустақил эл аскари бўл!

Неки қурол йўқотамиз,
Бор ўрушни тўхтатамиз.
Дўст бўл, дёб кўл узатамиз.
Мустақил эл аскарин бўл!

Севгин барча миллатларин,
Бардоси метин, пўлатларин.
Йўқот чириш, иллатларин,
Мустақил эл аскарин бўл!

Ҳалол ишла, тўғри сўзла.
Фақат яхши ният кўзла,
Ишнин иўп қил, гапини чўзма.
Мустақил эл аскарин бўл! ✓

Кимки алдаб кўзини бўяр,
Халқ ғазаби кўзини ўяр.
Ишнин тўғри йўлга қўяр,
Мустақил эл аскарин бўл!

Бешда оғир, қийин бўлар.
Самараси кейин бўлар.
Зўр ғалаба танин бўлар,
Мустақил эл аскарин бўл!

Сохта шуҳрат, тухмат тинди.
Порахўрнинг бўйини синди.
Ҳақ, адолат тулпор минди,
Мустақил эл аскарин бўл!

Тили бошқа, дили бошқа,
Қелса фақат, тайёр ошга.
Йўл йўқ бундай кекса, ёшга,
Мустақил эл аскарин бўл!

Ҳали эски отдан тушмай,
Меҳнат қилмай, қайнаб-жўшмай,
Юрганлар биср ҳисса қўшмай,
Мустақил эл аскарин бўл!

✓ Дунё халқи бизга қойил!
Юраклари бўлди мойил.
Шу ҳақ йўлга нурдай ейил!
Мустақил эл аскарин бўл!

Нуксонлар утмиш, ҳосир,
Ҳоний фидо қилсанг арзир,
Хизмат қилиш юрак қарзи,
Мустақил эл аскарин бўл!

Хато, нуксон бордир бу он,
Уни айтиб қилма гумон.
Бу йўл енгар ҳали замон,
Мустақил эл аскарин бўл!

Қўшилгани кенг дарё дер,
Бўлингани, бўрилар ер.
Жўшиб ишла, кўкракни кер!
Мустақил эл аскарин бўл!

ГҲЗАЛ АМУ

Гўзал Аму бўйларида,
Ўйнаб ўсган боламэн мен.
Жўшқин дарё куйларига,
Севиб қулоқ соламан мен.

Кўп севаман бу дарёни,
Жой олган у харитадан,
Шаҳар, қишлоқ, бог ҳар ёни,
Дарё—томир, Ерлар—бадан.

Бу томирдан олади қон,
Икки қардош эл бадани,
Бири—сулув Туркменистон,
Бириси—Ўзбек Ватани.

Бир манзилга оқар ҳар чоқ,
Икки элнинг муродидай,
Юрт меҳридай жўшқин, қайноқ,
Тез Гўрўғли ғиротидай.

Аму оқар, жўшар ҳар дам,
Кенг қумлоқлар бўлар бўстон,
Ўзбек, Туркман доим ҳамдам,
Аму унга битар дoston.

ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИ

Азим Тошкент! Кўчаларингга,
Йигит бўлиб қадам босганман

Дарё янглиғ шовуллашягга,
Зеҳним ортиб кулоқ осганмай.

Ғунча очган баҳор гулидай,
Товланасан ҳар кун бир тусда.
Очилсин деб асло сўлимай,
Минглаб уйлар тиклабди уста.

Сенда қайнар меҳнат ва ижод,
Ҳар кун ўзга ғалаба, зафар.
Қаҳрамонлар яратар ҳаёт.
Ҳар кун янги меҳмондан хабар.

Неча йиллар бағрингда бўлиб,
Дийдорингга асло тўймадим.
Сени кўрк ва қудратга тўлиб,
Оқувчи зўр дарё ўйладим.

ИСТАКЛАР

Шундай қўшиқ топсам дунёда,
Бир қўшиқни, ҳеч айтилмаган.
Шундай бир йўл топсам дунёда,
Бир адашиб, сўнг қайтилмаган.

Шундай ҳаёт топсам, донолар,
Омон яшаб, бўлса бари жам.
Ҳар сўздан томса маънолар,
Ҳеч бир киши кўрмаса дард, ғам.

Шундай қуёш топсам, ботмаса,
Порлаб турса элда эрта-кеч.
Бир сув топсам музлаб, қотмаса,
Ичган киши дард кўрмаса ҳеч.

Шундай бир боғ яратсам, топсам,
Мева берса, асло қуримай.
Мевалари олтиндай бўлса,
Тураверса айниб, чиримай.

Ипак топсам майин, сержило,
Ҳеч вақт адо бўлмаса тўқиб.
Китоб ёзсам гўзал, сермаъно,
Ҳеч ким қўлдан қўймаса, ўқиб.

Шундай яқин дўст таниласам мен,
Дил кўрмасдан туролмаса ҳеч,
Шундай гўзал сарой қурсам мен,
Ўзга киши қуроилмаса ҳеч.

Шундай жўшқин тор яратсамки,
Сайраб турса сира узилмай.
Кўнгилларни бир яйратсамки,
Боқий қолса тинчлик бузилмай.

Шундай ўткир зеҳн топсамки,
Ҳамма одам бўлолса моҳир.
Шундай жўшқин туйғу топилса,
Ҳар бир юрак бўлолса шоир.

Шундай сеҳр, куч тополсам мен,
Ювош бўлса одам кўй каби.
Шундай битмас шодлик топилса,
Яйраб ўтса ҳаёт тўй каби.

Гурлан, декабрь 1992 йил.

ИНСОН ҚАДАМИ

Қадамлар! Мен сизда кўраман дунё,
Бу олам файзини сиз этган бунёд.

Жарлар, дарёлардан ирғиб ўтган сиз,
Дуч келса, тоғларни қирқиб ўтган сиз.

Ҳаёллар етмаган фазога етган,
Қуш учмас чўллардан йўл солиб ўтган.

Баҳорлар туғдирган босган изида,
Ҳаёт жilовини тутган изида.

Эй инсон қадами! Қанча буюксиз,
Яшариш муҳридир сиз қолдирган из.

Шу сабаб сиз ерга босилган онда,
Она ер ўлади севганча жондан.

ИЗЛАР

Оёқ изи қолар тупроқда,
Сўзлар изи қолар юракда.

Излар кетар тупроқдан секин.
Излар ўчмас юракдан лекин.

Юракларни асрамасак биз,
Ўртаг ёмон сўзлар солган из.

ФАВВОРА.

Отилгандай куч тўла вулқон,
Югургандай юрак узра қон.
Шошиласан вужудинг қайноқ,
Кўпикларинг мисоли қаймоқ.

Кўк юлдузин қучгудай авжинг,
Олов каби бетиним мағжинг.

— Тингладингми, фаввора сўзим!

— Эл қалбидай қайноқман ўзим.

Айланганда учар томчилар,
Ҳар томчингда бир қуёш кулар,
Чарақлайсан келиб тушса нур,
Тиниқликда бош эгар биллур,
Оғушингда зарра йўқ гўбор,
Тенг бўломмас эриганда қор.

— Эй фаввора, сен бунча тоза?

— Эл қалбидан олдим андоза.

Сен таратган ажиб бир ҳаво,
Бўлган каби дардларга даво,
Борлигингга беради ором,
Келтиради ҳузур тўла жом,
Куч бўлади олган нафасинг,
Жимирлайди кўкрак қафасинг.

— Сен эмасму табиб, илҳомчи?

— Эл меҳридан мен кичик томчи.

ОИЛА БУЛБУЛЛАРИ.

(Фарзандларимга).

Булбуллар сайрайди менинг уйимда,
Муҳаббат, ёшлигим булбуллари бу.

У олдин яшарди орзу, ўйимда,

Бахтлиман, ушалди энг буюк орзу.

Уларнинг хониши, овози содда,

Яшнатиб юборар юракларингни.

Ширин каломлари чиқмас ҳеч ёддан,

Юксалтар у ишонч, тилакларингни.

Шу булбул с йрасин ҳар онлада,
Тинмай жарангласин дилбар овози.
Юраклар маст бўлсин унинг сасидан,
Кўнгилни шод этсин эркин парвози.
Табиат булбули оддий сайроқ қуш,
У доим излайди тайёр боғ-бўстон.
Яратиш инсонга энг олий юмуш,
У қақроқ чўлларга киргизади жон.

Оила булбули—ўғил, қиз фарзанд.

Қанча юракларнинг армони улар.

У қандай шириндир, қандай асал, қанд!

У сайраб уйғотар сирли туйғулар.

Келажак яралар унинг қўлидан,

Яшариш нишони — унинг овози.

Боғ-бўстон, гул унар юрган йўлида,

Улар одамзоднинг баҳори, ёзи.

Табиат қушлари, сайроқ булбуллар,

Таҳсинлар айтади унинг шаънига.

Шу булбул куйидан чаман кўнгиллар,

У бахтдир оила ҳам ватанига.

Доимо яшнасин кўнгиллар боғи,

Гули, булбуллари бўлмасин хазон.

Дилни ўртамасин фарзанднинг доғи,

Фарзандга зор бўлиб ўтмасин инсон!

ЯХШИГА УЛИМ ЙУҚ

(Ҳиндистон бош Министри Индира Ганди вафотига бағишлайман).

Гўё ўз уйимда, ўз элатимда,

Мусибат бўлгандай юрагимда ҳам.

Шу ҳам бор кенг Ватан, ҳар миллатимда,

Улуғ бир онага тутдилар мотам.

Ёвуз ўқ-ажалнинг бешафқат кучи.

Заҳар тумшугини тикди танингга.

Қонхўр рақибларнинг кетиб эс-ҳуши,

Қасд қилди эрк учун ёнган жонингга.

Оналар ҳаётни туғувчи чашма,

Уларнинг нафаси тоза, муқаддас.

Кояг олам ингранар ҳаётга таъима,
Ҳаёт чашмасини нўмар қандай паст?

Улуғ Ҳинд Элига таъзия йўллар,
Миллионлар қатори таъзимда қўлим.
Орзулар, ишларинг яшар ва гуллар,
Жисминг йўқолиши эмасдир ўлим.

Бирлик, тенглик учун жон қилдинг фидо,
Эзгу ишларингдан чекинди офат,
Ҳамон қадринг баланд, сенга баҳшида,
Тинчлик номин олган олий мукофот.

Яхшига ўлим йўқ, номинг ёддадир,
Азизсан эркесвар қарию ёшга,
Сен мазлум, гадога нур ахтардинг, нур,
Ишинг яшаб қолди ўхшаб қуёшга.

НИГИТЛИК

Шер белин синдиргудай,
Қувват бор билагимда.
Эл кўнглин тўлдиргудай,
Мурувват юрагимда.

Ялт этганда чақмоқни,
Қочирмай тутгудайман.
Югурганда нурдан ҳам,
Қадамда ўтгудайман.

Ишдан қайтма, жўш дейди,
Тошиб юракнинг авжи.
Ёнимда ип эшолмас,
Бебош дарёлар мавжи.

Қайтмас шердай ўкириб,
Зулмат бағрин сраман.
Меҳнатга, жангга кириб,
Тоғни тик қўпораман.

КҮНГИЛ ҚОРОНҒИ БҮЛСА.

Гоҳо чироқ лип ўчиб, уйлар қоронғи бўлар,
Жўш урган зиефатлар, тўйлар қоронғи бўлар.
Турмушда бор бу ҳолат юракларга нўчмасин,
Дилни ёритган чироқ — меҳр, асло ўчмасин.
Кўнгилни ёритолмас ой ҳам қуёш минг йилда,
Меҳр—нурга бой қуёш порламаса кўнгилда!

ЧИДАМАС ЮРАК.

Десаларки, элни тала, бос!
Одамларни аяма, чоп, ос!
Ҳар иш учун олгин минг қасос!
Мен қилмасман, чидамас юрак.

Десаларки, ғирт ёлгон сўзла,
Ёзсанг тухмат, игвони кўзла,
Қўймай ҳамма одами тузла,
Мен қилмасман, чидамас юрак.

Десаларки, ифлосни дўст қил,
Камбағалнинг терисини шил,
Фақат мансаб, бойликка интил,
Мен қилмасман, чидамас юрак.

Деса: бошлиқ бор жойда суқул,
Ўл деса ўл, ёт деса йиқил.
Иш сўрама, ош сўра нуқул,
Мен қилмасман, чидамас юрак.

Десаларки, Халқ номини сот,
Юзига кул, изидан ўқ от,
Кунинг учун виждонни йўқот,
Мен қилмасман, чидамас юрак.

Десаларки, бирор шеър тўқи,
Ловлаб ёнсин юракнинг чўғи,
Давраларда сўзга чиқ, ўқи,
Орзуйим шу, шу менга керак,
Фақат шунга интилар юрак.
1992 й. декабрь, март 1993 йи. Гурлан.

НОНГА СИҒИНИНГ.

Яратган Худого сиғинар одам,
Сиғинар энг олий ноз-неъмат — нонга.
Худо ёрлақаса тинч турар олам,
Нон таянч инсоний ҳаётга, жонга.
Одам экиб, тикиб, пиширади нон.
Сўнг унга сиғинар табаррук билиб.
Нон тутиб қутилар энг азиз меҳмон,
Қиз сўрар совчилар нон удум қилиб.
Оналар кўкракка иссиқ нон босар,
Фарзанд кўрганида ёруғ дунёни.
Бола юрар чоғи одим нон ясар,
Нон ҳиди ром этган бихишт, Худони.
Одамга дунёда энг ёққан ҳид деб,
Иссиқ нон ҳидига шоҳлар берган тан,
Душманлар ярашган муқаддас нон еб,
Нон йўлдош сафарда, қайтса сафардан.
Болалар тинч ухлар, ёмон туш кўрмас,
Естиғи тагига нон қўйсанг агар.
Нон теккан пешона хўр бўлмас, шўрмас,
Яхшини дейдилар, нондай мўътабар.
Нон билан улугдир тўй ҳам, аза ҳам,
Тирик эъзозланар, ўлган бўлар ёд.
Нон тепса ҳайбонга айланар одам,
Ноннинг мўъжизаси жаъми одамзод.
Чин дилдан сиғининг Худого, нонга,
Шундан улуг савоб йўқдир инсонга.

Гурлан. 1993 йил, март.

Н О М У С

Ҳаётда ёш, кекса ҳам,
Курашар номус учун.
Энг кучли, энг мард одам,
Кўп бўлса номус кучи.

Беномус, беҳаёлар,
Фил бўлса ҳам мағзин пуч.
Улар йўлда соялар,
Номус кучи — тенгсиз куч.

Беномус сотар Ватан,
Сотар хотин, қизини,
Пул учун сотар бадан,
Молдай сотар ўзини,

Сувдай айниб, лойлансанг,
Ҳеч қайтмассан ўзингга,
Беномусга айлансанг,
Тупроқ сочар юзингга,

ҲАҚИҚАТ ЙУЛИ

Мушкул экан ҳақиқат йўли.
Йўллар чигал унга етмоққа.
Мадад бермас ҳеч кимнинг қўли.
Қурбинг етмас ёлғиз кетмоққа.
Эгри кўча, ифлослардан ҳам,
Дадил босиб ўтади бу йўл.
Минг хил орзу, ихлослардан ҳам,
Баланд чиқиб кетади бу йўл.
Бу йўл қўрқмай енгини керак,
Минг хил азоб, уқубатларни.
Адолатга чорлайди юрак,
Минг хил подшо, ҳукуматларни.
Шундан унга етмаганлар кўп.
Азоб тортар етай деганлар.
Табаррукдир кўрсанг асра, ўп!
Ҳақиқатнинг нонин еганлар.

ИШОНМАС

Ўз сўзингга ишонмаса юрагинг,
Сенинг сўзларингга, ўзга ишонмас.
Кўзинг кулиб, қора бўлса тилагинг,
Сенинг кўзларингга ўзга ишонмас,
Юз бўясанг қора дардинг яшириб,
Қизил юзларингга ўзга ишонмас.
Сен алдасанг, эл ошини ўғирлаб,
Ҳалол тузларингга ўзга ишонмас.
Ипак десанг чирик эски, латтани,
Атлас, бўзларингга ўзга ишонмас.

Бир хил бўлса тушим ва ўнгим,
Юриш-туриш уйқудай ёкса.

Мен истасам иссиқ бўлса кун,
Мен истасам ёғса оппоқ қор.
Мен тоғларга бўлганда мафтун,
Тоғлар келса, сақлаб зўр виқор.

Кўргим келса товус, бургутни,
Ўзи келиб олдимга тушса.
Кўргим келса оппоқ булутни,
Бургут унга кўтариб учса.

Кеча-кундуз жонни койитмай,
Битаверса истаган ишим.
Ёқмагани сира бойитмай,
Бойиб кетса ёқтирган кишим.

Қуёш чироқ кўтариб турса,
Ой сув қуйса келиб қўлимга.
Шоҳлар мендан сўраб буюрса,
Кимни бахтга, кимни ўлимга.

Истаган кун бўлиб олсам бой,
Истаган кун айлансам шоҳга,
Жаннат богда ичсам ширин чой,
Бир пиёла бериб Оллоҳга.

ПАХТАНИНГ ОҚ РАНГИ

Қолмади шаънини айтилмаган сўз,
Ҳамма мақтовлардан ўзинг яхшисан!
Бир умр мафтундир сени кўрган кўз,
Туригу ўлиқнинг кўрни, нақшисан!

Ҳаттоки онанинг пониза сути, —
Оқ рангни олгандир сенинг юзингдан.
Шубҳасиз ўчарди оқ тонгнинг қути,
Покликни олмаса тонгда ўзингдан

Сен поклик рамзисан аввал оламда,
Шу сабаб оқ мато кияр шифокор,
Тозалик, покликка интиқ одамда,
Эзгу ният рамзи — пахта либос бор.

Яхшини пахтадай кўнгли оқ дерлар,
Оқ йўл тилайдилар дўстга, ўртоққа.
Ошиқлар севгимиз бўлсин пок дерлар,
Оқ кийиб чиқишар дийдор кўрмоққа.

Халқим юрагининг рамзи оқлигинг,
Сени ардоқлайман, пахта — поклигинг!

ДОИМ ЗОРМАН ШЕЪР ВА ИЛҲОМГА.

Ҳаётим фаравон, уст-бошим гулдай,
Баҳтимдан сўзлайман ёниқ булбулдай,
Еганим олдимда, емаган ортда,
Соғ-омон яшайман бу гўзал юртда.
Лекин доим зорман, зорман бир умр,
Ҳаммага ёқувчи шеър, илҳом зарур.

Нега жўшмас илҳом дарёси?
Илҳом, сенси́з кўнглим доим ғаш.
Нега жўшмас қўшиқлар саси?
Ё йўқмикан юракда оташ?
Нега жўшмас илҳом дарёси?

НИМА ЕТМАС ТЎҒРИ БЎЛМОҚҚА?

Нима етишмайди тўғри бўлмоққа?
Нега эгри йўлга тушади одам?
Не учун у рози ўғри бўлмоққа,
Нега эгриликдан дард чекар олам?
Ахир тўғри йўлдан юрса бўлмасми?
Уни йўлдан уриб алдарми шайтон?
Тўғри йўлда инсон кўнгли тўлмасми?
Эгрилик—жирканч ба хатарли майдон!
Нима мажбур этар инсон зотини?
Эгрига интилса тўғрини қўйиб!
Не сабаб булғар у инсон отини?
Юрак ёрилмасми ёлғонга тўйиб?

Қуёш қора дейиш қанчалар мушкул?
Асални заҳар деб айтади қай тил?
Сассиқ алаф десанг кўрсангда хуш гул,
Яхшини ёмон деб чидарми кўнгли?

Минг афсус ҳаётда шундайлар яшар,
Ўзига яратиб ҳузур, ҳаловот.
Фақат эгри йўлда қадамни ташлар,
Тинмасдан ёғдирар тухмат, маломат.

Эгрилар ўйлашар фақат ўзини,
Ўзгалар булганса, ёнса унга ҳеч.
Эгрилар кўр қилар бахтнинг кўлини,
Агар одам бўлсанг бу офатдан кеч!

ЁЛҒОН СЎЗ ҲАҚИДА.

Қачондир ёлғон сўз туғилган элда,
Тинмай азоб берар одамларга у.
Баъзилар ёлғонни туширмас тилдан,
Оқибат ёлғондан келса ҳам қайғу.

Ёлғонлар йўл топиб бирор тирқишдан,
Ҳаётга илдининг ёя бошлайди.

Одам кўзин бўяб ҳар қандай ишда,
Алдов қогозларга кўмиб ташлайди.

Яхшилар ёлғонни фотиҳ этар мудом.

Ёмонлар ёлғонни тўқир, берар панд.

Ёлғон сўз билинмай турса ҳам шу дам.

Сўнг ўзи тузоққа банд бўлади, банд.

Бўлмасми ёлғонни тамом йўқотса,

Оламда қолмаса бирон ёлғон сўз.

Сўзлар ёлғончига доим ўқ отса,

Ёлғон сўзлаганда портласа оғиз.

СОХТА ТАКЛИФНОМАЛАР.

Товланиб туради зарҳал ҳарфлар,

Сиртига ўйилган гуллар, нақшлар.

Таклиф матъносини сўзлар шарҳлар.

Бошлиққа бу ҳурмат ором бағишлар.

Кимлардан келган бу таклифномалар,

Мағрибу машриқда манзил, манони.

Бошлиқ девонига кириб қамалар,

Ҳамма уни излар, келган замони.

Илгари бир салом бермаганлар бор,

Хатто танимайди бошлиқ ўзини.

Бугун у бошлиққа энг яқин дўст, ёр,

Қадамига сўяр қўю, қўзини.

Турли таклифнома — зиёфат, тўйлар,

Бошлиққа ҳисобсиз дўсту қариндош.

Мен шунча азиз деб қувонар, ўйлар,

Одобин сақлайди кўрса қари, ёш.

Бу таклиф қогозлар эмасдир юрак,

Алдайди мансабга сажда қилганлар.

Уларга сен эмас мансабининг керак,

Бўшасанг танимас дўст деб билганлар.

Ўргимчак кўрганда тайёр ўлжани,
Маҳкам ўраб олар чигал тўрига.
Шундай ҳийлагарлар таклиф мўлжали,
Тўр ташлар бошлиқнинг мансаб ўрнига.

Бундай тутуриқсиз таклифномалар,
Ҳайратга солади кўрган кишини.
Алданад қай раҳбар билмаса агар,
Юрар йўлинию, қилар ишини.

ОДАМЛАР ВА МЕН.

Ақлу эсим кирган боламан,
Одамларга назар соламан,
Ҳар бирида ажиб бир хислат.
Кўраману қойил қоламан.

Зўр бирининг бирига меҳри,
Фош бўлмоқда алдамчи, эгри.
Шуҳрат топиб ҳақиқат, инсоф.
Мафтун этар жозиба, сеҳри.

Иш кўрсатар онгни, билимни,
Бало йўқдир тийсанг тилингни.
Уят! Тўғри сўзни гапирмай,
Сирли тугун қилсанг дилингни.

Умрим ўтар шўх, хушҳол бўлиб.
Қартаярман бир кун чол бўлиб.
— Қани, яхши ишинг?, — десалар,
Турмагайман тилсиз—лол бўлиб.

Ибрат олиш, ўрганиш аҳдим,
Унга қурбон меҳнатим, вақтим.
Одамлар-ку бўлди кўп ибрат,
Зарра ибрат бўлолсам — бахтим!

КУПРИК

Оқар сувлар қирғоқ яратар,
Қирғоқларни туташ қилар у.
Кўприк сабаб дилни яйратар,
Бирлашиш деб аталган туйғу.

Қирғоқ билан туташсин қирғоқ,
Донм шайман кўприк қурмоққа.
Истамайман чиқишни бироқ,
Сотқин турган машъум қирғоққа.

КАТТА ВА КИЧИК

Ер шарига ўхшар бошимиз,
Лекин ундан кичик миллион бор.
Ер ёшидан кичик ёшимиз,
Лекин бошга ажиб толе ёр.

Кичиккина шу бош шаримиз,
Бошқаради улуг ер шарин.
Бўлсан ҳамки фарзандлари биз,
Итоатда шу ер камтарин.

Сабаб одам — ер фарзандининг,
Ўзи кичик, улугдир ақли.
Доно ёшни ҳаётда катта —
Кичик демай фахр этса ҳақли.

МУСО ЖАЛИЛНИ УЙЛАБ

Душман билан келса юзма-юз,
Жўшқин тепар мардлар юраги.
Ев олдида бўлиб лол, ожиз —
Яшамоқнинг йўқдир кераги.

Мен Мусога қойил қоламан,
Сиймосида буюк мардлик жам:
«Ўлсам тикка туриб ўламан,
Болта билан бошни кессанг ҳам».

Бу сўзларда юрак ёнади,
Қаранг, ишонч устун ўлимдан.
Ҳарким ўзин бахтли санарди.
Шундай яшаш келса қўлидан.

ЧОЙХОНАЧИ.

Чойхоначи Нор ота,
Ширин сўз ва ёқимтой.
Келганларга қарата:
— Кўк чойми ё қора чой? —

Дея кулиб сўзлайди.
Не буюрсанг, дер: — ажаби
Дил очишни кўзлайди.
Себар доно, ҳазил гап.

Ишдан чанқаб келганлар,
Чойдан ичиб қонади.
Нор ота ўз ишидан,
Боладай қувонади.

Ҳар кун неча юз одам,
Унга раҳмат айтади.
Хурсанд бўлиб ҳар шомда.
Ота уйга қайтади.

Дейди: — шифо чойларим, —
Буюрсин фақат тўйга.
Одамларни шод қилсам, —
Етганим орзу, ўйга!

НАВБАТ

Бировга туғилиш навбати етар,
Биров навбат билан оламдан кетар.
Биров навбат билан ўйнаса, кулса,
Биров иши юрмай бағрин қон этар.

Ақлингга ўлчовдир навбат ўтса соз,
Ишинг улуғ бўлса, умринг бўлмас оз.
Яхшилар навбати қишда ўтса ҳам,
Авлодлар умрини қилиб турар ёз.

Навбатдан қутулмас дўст ҳам, душман ҳам.
Кимлигин ҳаётда кўрсатар одам.
Навбатдир ҳаётнинг олтин қонуни,
Навбат тугаганда тугар бу олам.

ЕМҒИР

Қора булут тулпорлари,
Узоқ-узоқ чопдилар.
Йиғилишиб кейин бари
Кўк юзини ёпдилар.

Бирдан дуб-дуб қуйди ёмғир,
Ариқчалар тўлди сувга.
Ғуж-ғуж пуфак қилди зоҳир,
Ҳадсиз томчи сув — кўзгуда.

Ғиз-ғиз келиб томчи ўқи
Пуфакларни «пақ» ёради.
Ёради-ю яна ўзи
Ўзга пуфак чиқаради.

Чексиз осмон — тоза юртим
Танин ювиб эркаларди.
Ювар эди, қароб турдим,
Ҳеч кўринмас ғубор-гарди.

Кўнда сув ҳам она ерни
Хўп соғинган, ўлар эди.
Чексиз осмон бутун меҳрин —
Ёмғир этиб тўнар эди.

СОҚЧИ УЙЛАРИ

(Аскарлик дафтаридан)

Тун уйқуси қанчалар ширин,
Ҳеч айрилгинг келмайди ундан.
Гоҳо бунга бўлмайди ўрин,
Нолинмайман уйқусиз тундан.

Мана, Ватан нишонган постим,
Ўзун тунлар ўтади уйғоқ.
Кўкрагимда қуролим — дўстим,
Киприкларим қоқилмас бу чоқ.

Майли ўтсин тунларим бедор,
Майли, кетсин бир лаҳза ором,
Эл олдида ичган оғтим бор.
Оқламасам яшашим -- ҳаром.

Ухласинлар отам ва онам,
Ором олсин, ухласин ёрим,
Тинч ухласин ука, сингил ҳам,
Тинч ухласин бутун диёрим,

Мен кўк тўла юлдузлар билан,
Ҳар пок тонгни қарши олурман.
Хур ўлкада оппоқ тонгларнинг,
Кўриқчиси бўлиб қолурман.

ЯХШИЛИККА ҲАВАС

Одам бунёд бўлгандан бери,
Курашади, тинмас бир нафас.
Гўзал қилмоқ истайди ерни,
Яхшиликни қилади ҳавас.

Тарих тўла урушга, жангга,
Яхшиликка ёмонликлар ўч.
Ўч қон билан сингандир танга,
Бир-бирига тортади қилич.

Келар доим яхшилик устун,
Ёмонликлар охири барбод.
Ўлса ҳамки яхшилик учун,
Юракларда яшайди Фарҳод.

Яхшиликка юрагим мафтун,
Интиламан унга ҳар нафас.
Ижод қилган шеърларим кун-тун,
Яхшиликка бўлган бир ҳавас.

ШИФОКОР

Биров уйни, донни сақлайди,
Биров олтин конни сақлайди.
Улуғ зот бор шифокор деган,
Танда турган жонни сақлайди.

Ўараб турсанг ерга, осмонга,
Душманлар кўп бу азиз жонга.
Жонлар ёвин йўқотмоқ учун —
Мард шифокор чиқар майдонга.

Кўриб турсанг шифокор — посбон,
Ўттиз икки мучангиз омон.
Азроилни жангда енгар у,
Ҳеч вақт қилмас рангларни сомон.

Ҳар бир инсон ҳаёти учун,
Соғлиқ деган қаноти учун.
Шифокорга доим таъзимда,
Меҳру бардош, саботи учун.

Соғлик йўқи, тўй йўқ, байрам йўқ.
Соғлик зўрки, қайғу йўқ, ғам йўқ.
Улим қочар меҳру соғликдан,
Сиздай меҳри дарё одам йўқ.

Улуғ ишда ишлаб улуғсиз,
Куч-ғайратга доим тўлуқсиз.
Юрт бойлиги, эл бахти учун,
Сизлар доим омон бўлингиз.

ЮРТИМ ТАРИХИ.

Ўз юртим тарихин ўйласам бугун,
У сирли дунёдир узундан-узун.
Кўп жойлар ўчгандир, кўп жойлар тугун,
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Миср эҳромларин — қадим тошларни,
Кўриб лол қоламиз, эгиб бошларни,
Эслаймиз қанчалаб жанг, талошларни,
Мен топмай изларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Ушбу Эҳромлардан ёшинг нарироқ,
Оламда эл йўқдир сендан қариоқ.
Гуллаган чоғларинг эрадан йироқ,
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Моллар терисига битилган хатсан*,
Ёр неча қат бўлса сен шунча қатсан.
Минг йиллар йўл босган нарвонсан, отсан.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Оламга онг берган нурли бош сенда,
Дунёга умри тенг сирли тош сенда.
Бу ҳаёт неча йил, неча ёш сенда?
Мен топмай изларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

* Авесто — қадимда моллар терисига ёзилган тарих кўзда тутилади.

Билмасмиз исёнкор беклар зотини,
Қайтарган қизбосар хоннинг отини,
Зиндовлар, дорларда чеккан додини.
Мен топмай изларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Оғаҳий, Машрабнинг девонлари кам.
Оз эмас мутлақо пинҳон зотлар ҳам.
Эл бахти бариси бўлса аён, жам.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Фарзанд туғиб бир кун йўқотса она,
Умри йиғлаб ўтар ёна ва ёна.
Кўп удуғ ишлардан қолмай нишона.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Сен қурган шаҳарлар, қасрлар кўпдир,
Сиригни яширган асрлар кўпдир.
Кашфиёт яратган насллар кўпдир.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Сув тангри — дарёмиз неча бор кўчган,
Ёб босиб қалъа-ю қўрғонлар ўчган.
Ғанимлар қон тўкиб, талаган, қочган.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Мардларнинг ноласи, шитобларинг кўп.
Мўжиза яратган китобларинг кўп.
Эрк учун ҳайқириқ, хитобларинг кўп.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Тарих осмонида учган қуш гала,
Беруний, Хоразмий мероси чала.
Қоронғи маъмунлар* жўш урган палла.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

*Хоразм маркази Кўҳна Урганчда қадимда иш-
лаган Маъмун академияси.

Тарикдай сочилиб турли тарафга,
Амирқо, Русия, Инглиз, Арабга.
Хазина, — китоблар йўқ уйда, сафда.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Олам билса дейман элим қадрини,
Ўстирган боғларни, гуллар атрини.
Меҳнатнинг, ижоднинг ҳар бир сатрини.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Фахр этай юрт аёл, эрларини мен,
Саркарда, султонлар, шерларини мен.
Туркистон ном олган ерларини мен.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Бугун эл ҳур — бу ҳаёт тарзим эрур,
Эл кимлигин англамоқ қарзим эрур.
Бу доно, ҳур авлодга арзим эрур.
Мен топмай йиғларман тарихим менинг,
Ҳали кўп чаладир таърифим менинг.

Гурлан, 1992 йил, декабрь.

ДУСТГА ТИЛАГИМ

Юсуфбой Раҳимовга.

Сенга қўйилибди улуғ зот номи,
Шу номда аталган улуғ пайғамбар.
У билган не эрур юраклар коми,
Не бўлар олдиндан берган у хабар.

Ишн юриб кетган уни кўрса ким,
У фақат яхшилик тилаган элга.
У нафас қилганда мўъжизалар жим,
У буйруқ беролган қуёшга, елга.

У сабаб ошгандир юраклар меҳри,
Ёмон иш бурилган яхшилик томон.
Йўқ бўлган шайтоннинг маккорлик сеҳри,
Кўп жонлар сақланган хатардан омон.

Шу улуғ Расулнинг руҳи ёр бўлсин,
Ушлаган тупроғинг дўнсин олтинга.
Сўзингда каромат доим бор бўлсин,
Хар ишинг бахт бўлиб чиқсин олдинга.

Кўр бўлсин қасд қилган, ёмон кўрган кўз.
Ёмон ният қилса ёрилсин юрак.
Аввали, охири обод бўлиб ўс!
Худо ўзи берсин не бўлса керак.

Энг қари одамнинг ёши буюрсин.
Энг бахтли одамнинг бахти бўлсин ёр.
Ишларинг ўзинга ҳайкал қўйдирсин,
Бошинга тож бўлсин номус билан ор.

ШИФО ҚАСРИ.

Гурланда тиби даволаш шифохонаси учун янги
бино ишга тушди.

Азизлар марҳабо, шифо қасрига.
Бу ажиб совғадир Гурлан наслига.

Тасанно қурувчи қари, ёшларга.
Темир бетонларга, мармар тошларга.

Эрмат, Исмоиллар ҳиммати бунда,
Бирликнинг, дўстликнинг қиммати бунда.

Гурлан марказида чиқди бир қуёш.
Тилло узук ичра ноёб гавҳар тош.

Бу бино элимнинг кўрки ва фаҳри.
Бунда даф қилинар кўп дардлар заҳри.

Кўркем бўлар тишлар — оғиз қалъаси.
Тишларни тарк этар оғриқ балоси.

Тер тўкар юраги дарёлар бунда,
Қўли гул, сўзлари даволар бунда.

Бу ёдгор минг йиллар, ўнлаб асрга.
Марҳабо азизлар, кўркем қасрга!

Гурлан. Декабрь 1992 йил.

КЕРАКМАСМУ?

Излама эл айбини,
Дўст-ёр керакмасму санга.
Бузмагин дўст кайфини,
Хумор керакмасму санга.
Совима қишдай бўлиб,
Баҳор керакмасму санга.
Очилсанг кўрка тўлиб,
Гулзор керакмасму санга.
Танласанг илму ҳунар,
Озор керакмасму санга.
Изласанг мол, симу зар,
Бозор керакмасму санга.
Айёрни мот айласанг,
Хунҳор керакмасму санга.
Ёр дилин шод айласанг,
Дин, ор керакмасму санга.
Юзи гул, лаби шакар,
Бир ёр керакмасму санга.
Бевафо бўлсанг агар,
Бир дор керакмасму санга.
Эй Турсун, юрак ёнса,
Ашъор керакмасму санга.
Эл меҳри тушиб, қонса,
Ошкор керакмасму санга.
декабрь, 1992 йил, Гурлан.

АВВАЛГИ ТАБИАТ ҚАНИ?

Қани ёшликдаги ўтлоқлар, кўллар?
Ариқларда оққан тоза сув қани?
Қани кенг қумликлар, майсазор, йўллар?
Қани турфа гуллар, қушлар маскани?

Ёввойи қуёнлар қайларга кетди,
Қани бақра* балиқ, сазан, сувонлар.
Бизларни бедана, булбул тарк этди,
Қани ширин-шакар сўзли жувонлар.

*Бакра — қилбалиқ.

Қовунлар шарбати айниди нега?
Нега маза қочди мена-чевадан.
Не учун сувларга шафқатсиз эга,
Не учун бўламиз бемор, беватан.

Аму нега ювош, нега жўш урмас,
Нега ширин сувлар аччиқ, сассиқ туз.
Фасллар аввалги ҳолида турмас,
Қиш, баҳор ўзгача, ўзга ёзу-куз.

Ўт билан ўйнашма, деган ўзимиз,
Лекин биз ўйнашдик табиат билан.
Олисни кўрмади ёғли кўзимиз,
Иш бўлди ясама шон-шуҳрат, план.

Денгиз косасига сиғмасди сувлар,
Тинмасди юк тўла кема қатнови.
Балиқлар ўйнашиб, бир-бири қувлар,
Доим ўнг келарди овчилар ови.

Одам ўлдирганлар бордир тарихда,
Денгизни ўлдирган қотил эди йўқ.
Биз шундай авлодмиз жонли таърифда,
Оролни ўлдирдик отавериб ўқ.

Она табиатни хўрладик, эздик,
Уни бурмоқ бўлдик истаган ёққа.
Разил хатомизни шу бугун сездик,
Табиат ўч учун турди оёққа.

Бизга ёғдирмоқда касаллик, ўлим,
Кун сайин этмоқда Ризқимизни кам.
Оғир яраланди табиат сулим,
У биздан ранжиган, кўзларида нам.

У йиғлар инсоннинг меҳрига муҳтож,
Пўқолган бойликка тутати аза.
Инсон! табиатга бор меҳрингни соч,
Ҳаволар соф бўлсин, сувлар сермаза.

Табиатга керак содиқ ўғил-қиз.
Севиб кипригига қўндирмасин чанг.
Меҳринг қаршисида йиғлаб чўкай тиз,
Дунегга ўлимдир сенга қарши жанг.

Биздан шифо топса табиат дарди,
Авлодлар бахтига у буюк қалъа.
Қайтадан туғилиб, гуллаб-яшнади,
Биллурдай покиза осмон, сув, дала.

Бузмоқ кўп осондир тузун нарсани,
Аслига қайтармоқ, тузмоқ машаққат.
Бузганлар буздилар алдаб барчани,
Энди тузмоқ учун курашинг фақат.

ТАНКЧИ ВА ПИЁДА ҲАҚИДА СЎЗ.

Бир овулда, бир элда,
Икки тенгдош ўсибди.
Йигитлик вақти келгач,
Кучи сиғмай жўшибди.
Тоғларни қилиб талқон,
Мисли шердай ҳайқирган.
Уларни ўша замон,
Ҳарбий ишга чақирган.
Йигитлар бўлмоқ истар,
Бир-биридан зиёда.
Бири танкчи бўлибди,
Бири эса пиёда.
Ҳарбий хизмат кўп оғир,
Кунлар ҳам ўтар аста.
Танкчи баландда мағрур,
Пиёда юрар пастда.

Танкчи тутмай ўзини,
Шақирлатиб ҳайдаркан.
Чангда қўйиб дўстини,
Тақирлатиб ҳайдаркан.
Пиёда аскар камтар,
Унга парво қилмайди.
Бўлса ҳам иши баттар,
Ҳасад, рашкни билмайди.

Ҳарбий ишда бошига,
Нима тушса кўрибди.
Ўз танкчи йўлдошига,
Далда бериб юрибди.
Ойлар ўтиб, кун ўтиб,
Ҳарбий хизмат битибди.

Мушкулларни унутиб,
Улар уйга етибди.

Икки тенгдош бошига,
Тез тушибди уй-рўзгор.

Кийим, нони-ошига,
Қанча бойлик, пул даркор.

Танкчи дўст ва пиёда,
Югурибди, елибди.

Ниеда софдил, содда,
Унга омад қулибди.

Ишига уста, моҳир,
Тасаннолар дегулик.
Меҳнатни қилиб тақдир,
Унга берди «Жигули».

«Жигули» риз-риз учар,
Машинада ниеда.

Танкчининг ранги ўчар,
Кул пороши дунёдан.

Юракда гараз, алам,
Пиёдага отар ўқ.

Танкчи бўлди нега кам?
Нега танк, машина йўқ.

Танкчи ҳайдаб юрсам дер,
Тақирлатиб танкини.

Пиёда йўлда қолса,
Чанглар босиб рангини.

Эй танкчи, туш ҳоврингдан,
Навбат бордир дунёда.

Сен танк минган даврингда,
Чидаб юрди пиёда.

Ўзилиб доно халқимиз,
Намтарга камол деган.

Унутмасин қалбимиз,
Манманга завол деган.

БОБОДЕҲҚОНИМ!

Тупроқ ҳиди анқир қўлингдан,
Ризқ унади босган йўлингдан.
Эл таъвиши чиқмас кўнглингдан,
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Пўли азим, Бободехқоним!

Сен биласан тупрок тилини,
Ноз-неъматнинг барча хилини.
Яйратасан ерининг дилини.
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

Ўз боласин боққандек она,
Ер асрашда ғамхўр ягона.
Ишлар юрак ёна ва ёна.
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

Тўрт фасл ҳам тинмас одамсан,
Қуруқ сўзга кўнмас одамсан,
Қут-барака сочган оламсан.
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

Кадоқ кўли мисли тош қайроқ,
Кўнгли юмшоқ, она сутдай оқ.
Туқлик, тинчлик, ўзгармас байроқ.
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

Азиз касбу қорингдан эл шод,
Бу оламда борингдан эл шод.
Хирмон, карвон, норингдан эл шод,
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

Ер шайдоси, эл шайдоси бор,
Озод халқим бўлмас хору зор.
Бахт-саодат албат бўлар ёр.
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

Сенга фақат тилайман омад,
Шунда эл тўқ, ғоғ бўлар қомат!
Бу холис сўз, эмас хушомад.
Сенга таъзим, Бободехқоним!
Иўли азим, Бободехқоним!

АФГНИСТОНДАН КЕЛАЁТГАН САМОЛЕТГА

Қардош афгон элидан учиб,
Келмоқдасан ўз Ватанингга.

Базовтамиз қовоқлар учиб,
Ҳаёл кетар солдат тамига.

Омовминкан ҳамма мучаси,
Жангдан қайтган мард ўғилларнинг.
Қандай хабар олиб учасиз?
Қилмайсизми пора дилларни?

Ватан қуши — азиз самолёт,
Парвоз қилгин баланд, бехатар.
Юракларга солма қайғу-ўт,
Қувонч келтир, келтирсанг агар.

Оналарнинг юраги зада,
Бўлмагай деб фалокат, ўлим.
Бажарилсин ҳарбий онт, ваъда,
Омон қайтсин фақат мард ўғлим.

Оғир кунлар тушганда бошга,
Бизга дўстни қўлламоқ буйруқ.
Душман биқиб баланд тоғ, тошга,
Афғон элга отар бомба, ўқ.

Қанча жасур солдат ўғиллар,
Дўстлар учун фидо қилди жон.
Шундан зада соғинган диллар,
Афғон элда қон оқмоқда, қон.

Қувонайлик сени кутганда,
Қувонч бўлсин кузатганда ҳам.
Шу нақазни бажар учганда,
Қанотингга юқишмасин ғам.

ИПАК ЙУЛИ

Ипак қурти кундуз, туилар пичирлаб,
Кўм-кўк япроқларни ейди буралиб.
Сунг ипак чиқарар секин бир-бирлаб,
Ва ипак пиллага олар ўралиб.

Бу ипак пиллага ҳамма маҳлиё,
Сонсиз тилло бериб олам харидор.
Ипак кийим кийган шоҳлар, бахтли ёр,
Дунёни айланган ипак йўли бор.

Бу йўлда юрмаган не-не карбонлар,
Манзили Чинмо-чин, Ажам, Мадина.
Туркистон элида улур сарбонлар,
Ипакдан яратган улур хазина.

Ипакка ўхшайди шоир шеъри ҳам,
Ипак қурти каби шоирнинг ўзи.
Ўзгаллик, мантиқни шимиб дам-бадам,
Ипакдай товланар шоир дил сўзи.

Шеърнинг ҳам йўли бор ипак йўлидай,
Фақат юраклардан ўтади бу йўл.
Яхшилик сочади ўнгу сўлига,
Шеър барча авлодга узатилган қўл.

Шеъринат дилларга ипак йўл солса,
Бу шоир бахтидир, шеъринат бахти.
Бахтлиман, шеърим пок дилларни боғлаб,
Бир ипак толадай товланган вақти.

ОЛТИН

Таъқибга учраган бир дўстга.

Ер қаърида ётди қўп замон,
Қўп пишитди табиат уни.
Унинг қадри баланддир ҳамон,
Бу энг сғир сиёв якуни.

У соф турди сувга солганда,
Бузилмади ўт ичида ҳам.
Гоҳ ботқоқ, гоҳ чўлда қолганда,
Тураверди тоза, мустаҳкам.

Кўрк ва чидам, софлиги сабаб,
у тож бўлди шоҳлар бошига.
Молнинг олий ўлчови санаб,
Пул тенгланди олтин тошига.

Ўзгалларнинг ажиб безаги,
Не ясалса ундан олий нав.
У тўхтамай олам кезади,
Ҳамма тилга тушунар дарров.

У тақилса қўлга, кўкракка,
Хоҳ қўйилсин оёқ остига.
Софлигидан чиқар юсакка,
Олтин бўлиб турар Ростига.

Бу мақтовмас олтинфурушга,
Е судхўр ё эмасман хасис.
Юрак меҳрим бари турмушга,
Менга фақат одамлар азиз.

Ўйлаб кўрсанг, олтин хислати,
Улуғ зотни эсга солади.
Қайда бўлсин бу зот хизмати,
Буюкликдан нишон қолади.

Одамлар бор оддий ҳаётда,
Олтин каби ярқ этиб турар.
Гўзал, пишиқ, камтарин, содда,
Бошқалардан фарқ этиб турар.

Бу одамлар ҳаётнинг кўрни,
Эл шарафи меҳнатда, жангда.
Эй халойиқ, завқ билан кўрни,
Бундай одам кўпдир орангда.

Баъзан чиқиб ифлос чанг ё занг,
Олтинман деб тиқар бурнини.
Бунга ҳаргиз ишона кўрманг,
Олтин доим топсин ўрнини.

Олтини кўп олтин одаммас,
Бўлманг, олтин тўплашга мойил.
Ишда ҳамма қилгувчи ҳавас,
Олтин одам бўлганга қойил.

ЭҲТИЁТЛИК

Ер шари қўлдаги пиёла мисол,
Чайқалиб турибди кечаю-кундуз.
Қайдадир қон оқар шалола мисол,
Кўзлардан ёш томар мисоли юлдуз.

Одамлар, ўйланинг, боқинг нарига,
Бундай чайқалишни тўхтатинг, ҳайҳот!
Эҳтиётсиз бўлиб йўқлик қатърига,—
Тўкилиб қетмасин одамзод, ҳаёт!

ГУРЛАН БЕКЛАРИ

Узун бир тарихдир беклар ҳаёти,
Курашлар, талашлар, тўкилган қонлар,
Эл тилида доим уларнинг ёди,
Беклар руҳи мадад бу қийин онлар.

Ор-номус, обрў дўб талашди улар,
Беклардан меросдир, Кадхудо бўлиш.
Гурлан Кадхудо деб юрак шод бўлар,
Кадхудо — мардона яшаш ва ўлиш,

Қўрқмас, тоза юран, Кадхудо элим,
Дилида не бўлса тилида ҳам шу.
Шу эл хизматига боғланган белим,
Беклар қони оқар юракда мангу.

Бузуқ хон ҳукмини улар рад этди,
Адолат, покликка чорлади уни.
Жонларин олса ҳам айнимай кетди,
Одамлар фахр этиб эслайди шунини.

Бу элга бегона алдаш, панд бериш,
Тўғри сўз айтилар аччиқ бўлса ҳам.
Одати меҳнатда кўкракни кериш,
Ишонар Гурланда бир бўлган одам.

ХУДОИБЕРГАНБЕКНИНГ* ЮРАК НИДОСИ.

Хива жийдасини йирик дейдилар,
Хивада бегимиз тирик дейдилар.
Тирик бўлса келмасмийди элина,
Уни ҳам ўликнинг бири дейдилар.
(Халқ қўшиғидан.)

Мени тингланг, тингламоқ савоб,
Эл устини ётлар босмасин.
Паст, беномус, бир хоин сабаб,
Ётлар сизни дорга осмасин.

Мен оламдан кўз юмган бекман,
Номус учун кураш фидоси.
Руҳим тирик гар жисми йўқман,
Асло ўлмас юрак нидоси.

Мени хор-зор элим ўстирди,
Ва сгказди бек мақомига.
Номус, ор деб қоним жўштирди,
Қариш бордим хонлар комига.

Мен шарнат, адолат дедим,
Лаънатладим бузуқ ишларни.
Гурлап элга Кадхудо эдим,
Юрдим тишга қўйиб тишларни.

Мен тўладим солиқларни кам,
Камдир хонга совға, саломлар.
Ҳақ талаблар бошга бўлди ғам,
Хондан ёғди дарду аламлар.

Хон бор эди маккор, хунаса,
Асфандиёр дейдилар отин.
Бир кун элдап мол, пул сўраса,
Бир кун сўраб келди қирқ хотин.

Хоннинг фикри, қилиқлари бад,
Тингламади элнинг фарёдин,
Хон фармонин рад айладим, рад,
Ва тўхтатдим ғариблар додин.

Банди андон айлади мени,
Бошга қанча кулфат солди хон.
Забт этолмай беклар элини,
Оқ подшодан мадад олди хон.

Оқ подшонинг Галкин** жаллоди,
Ожиз элни талади, босди.
Бу хоин хон ётни ёллади,
Қанча бекни бегуноҳ осди.

Мен қўрқмадим ёвузликлардан,
Хонга асло қўнғил очмадим.
Тўқай, қумлик ва музликлардан,
Жонни сақлаб четга қочмадим.

Мен қочмадим, қоним тўккунча,
Азия элга қалқон бўлай деб.
Золим хонга бир тиз чўккунча,
Ўлсам тикка туриб ўлай деб.

Мен-ку ўлдим ор номус учун,
Қон тутгандир золим хонни ҳам.
Адо қилдим фарзандлик бурчин,
Тортсам жафо, чексам ҳамки ғам.

Қуригандир эккан гужумлар,
Ботил бўлган балх урган ҳовуз.
Лекин бордир кураш, ҳужумлар..
Доим жангда яхши ва ёвуз.

Эскиргандир Кунгура жойлар,
Бек авлоди сақлагай аслин,
Бузилгандир карвон саройлар.
Эрк олгандир эзилган наслим.

Оққан дарё оқмайин қолмас,
Беклар али бўлсин овоза.
Сўзинг бўлсин кескир бир олмос,
Бошинг баланд, номусинг тоза.

Тўғри билинг, дунё ишини,
Ҳеч вақт деманг, ҳалолни ҳаром.
Босқиламанг, ўлган кишини.
Гўрида тинч олсинлар ором.

Тириқ чоғи есанг ошини,
Ўлса тошга урсанг бошини.
Чақув, тухмат балоси қурсин,
Сақланг, элнинг кекса, ёшини.

Хор бўлмасин шу тупроқ, шу ер,
Ор номуссиз одамми одам.
Номус учун кураш, кўкрак кер!
Сувда чўксанг, ўтда ёнсанг ҳам.

*Худойберган Матниёзбек ўгли халқ орасида Худойберганбек номи билан машҳур бўлган тарихий шахс. У Гурлан беклигига раҳбарлик қилган. Тўғри сўз, халқпарвар бўлгани учун Хива хонига ёқмаган. Асфандиёрхон фармони билан ҳийла-найранг орқали зиндонга ташланган ва ёвузларча бўғиб ўлдирилган.

**Хива хонига рус подшоси ёрдамга юборган жазо отрядининг бошлиғи Полковник Галкин.

СОБИРБЕК ДУТОР ЧЕРТГАНДА

Салқин ҳовуз ором олган,
Тол, гужумлар қулоқ солган,
Овул, эллар қойил қолган,
Собирбек дутор чертганда.

Юракларда ғазаб сўнган,
Дарду ғамни тигдай йўнган,
Қўша булбул келиб қўнган,
Собирбек дутор чертганда.

Худойберган бек боласи,
Юрагида кўп ноласи.
Кўринган элнинг оласи.
Собирбек дутор чертганда.

Нурмат ботиқши ҳам Шерозий,
Бу дуторга бўлган осий,
Ипекдан майин овози.
Собирбек дутор чертганда.

Оллоҳ ўзи солган разм.
Хону беклар қилган базм,
Адолатга этган жазм.
Собирбек дутор чертганда.

Эриган ҳовуз тошлари,
Товоқда совиб ошлари.
Чайқалган элнинг бошлари.
Собирбек дутор чертганда.

Тўхтаган хоннинг йигини,
Душман синдирган тигини.
Юрак дол қолган сизгиниб,
Собирбек дутор чертганда.

Ўтмишни кезиб қайтаркан,
Элнинг дардини айтаркан,
Терлар калпима қайтарган,
Собирбек дутор чертганда.

Довруғи элларни тутди,
Яхши кунларни кўп кутди.

Дуни ғамини унутди,
Собирбек дутор чертганда.

Оч хстира, ўилар қолди,
Сирли қўшиқ, куплар қолди,
Унга муҳтож тўйлар қолди,
Собирбек элдан кетганда.

Уни еди тухмат, ҳасад,
Ёт элларда қолди жасад.
Шундай эди ёвда мақсад,
Собирбек дутор чертганда.

Қарғаб шумни ҳам ёмонни,
Мақтаб элни, оломонни,
Қутди Эркин, тўқ замонни,
Собирбек дутор чертганда.

Собирбек — Гурлан беклигининг раҳбари Худойберган бекнинг ўғли. У дутор чертишга шундай уста бўлганки, замондошлари унга қойил қолганлар. 1937 йилда репрессия қурбони бўлган.

ЯНГИ ЙИЛГА БУЮРТМАЛАР

Гўзал ҳаст қил бизга совға,
Элда тинсин уруш ва ғавго,
Айланмасин қадим дўст ёвга,
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Неъматларни арзон қил, мўл қил!
Қуритма ҳеч, денгиз қил, кўл қил!
Меҳр ошсин, хатарсин йўл қил!
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Яхшиларга кенг қил, майдонни,
Йўқот ўғри, пандхўр, пайтонни,
Тан соғлиқ бер, оғритма жонни,
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Бефарзандлар кўрсин, ўғил-қиз,
Тўй бермаган, тўй қилсин сонси.
Уйлар қурсиқ манзил, маконси,
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Жами элни қилгин тўқ, обод,
Шум ниятлар ишин қил барбод.
Юракларни жўштир, қилгин шод,
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Савоб ишга ёр қилгин зафар,
Минг шодликдан ҳар кун бер хабар.
Сероб бўлсин қишлоғу, шаҳар.
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Қийин кунлар эрисин қордай,
Иқбол келсин севимли ёрдай.
Омад келсин юк ортган нордай.
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Орзу қилган китоб босилсин,
Ноб шеър дoston ёзилсин,
Чашма жўшсин, канал қазилсин.
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Эл дарғаси доно, пок бўлсин,
Қилган иш доим ҳақ бўлсин.
Йўлларимиз равон, оқ бўлсин,
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

Бутун бўлсин иймон, номус, ор,
Ҳар одамга толе бўлсин ёр.
Яхши келсин кузак, ёз, баҳор.
Элга келтир, фақат яхшилик!
Шудир сендан кутган янгилик.

КҮНГЛИМ ЁШ

Ёшим тўлиб эллик баҳорга,
Соч оқариб ўхшаса қорга.
Келмаг, қари деган қарорга,
Кўнглим ёш.

Муҳаббат деб оҳлар урмасам,
Ер ишқида ҳайрон юрмасам,
Бу қари деб ичманглар қасам,
Кўнглим ёш.

Кўзлар энди кўрса ҳам хира,
Пасайса ҳам эслаш, хотира,
Бу қари деб жерниманг сира,
Кўнглим ёш.

Қад букилиб суянсам таёқ,
Қалтираса қўл билан оёқ.
Қариган деб ўйламанг мутлоқ,
Кўнглим ёш.

Бургут каби ўткир шеър кўзи,
Муҳаббатдир шоирнинг сўзи.
Доим сафда, курашда ўзим .
Кўнглим ёш.

Кўнглим софдил одамга ошиқ,
Нотинч ҳаёт, оламга ошиқ.
Неварага, боламга ошиқ.
Кўнглим ёш.

Одам кўнгли қариса агар.
Ёш бўлса ҳам қаридан баттар.
Қаримасман ўлгунга қадар.
Кўнглим ёш.

12 март. 1992 йил.

БИР СЎЗ АЙТАМАН

Жоним, сенга бир сўз айтаман,
Бир кун қилдим шундай аҳд-паймон.
Аммо сўнгра бўлдим пушаймон,
Энди сўздан қандай қайтаман.

Кичик сўз бу — сўзки энг асл,
Салобати тоғ каби оғир.

Айтай десам тутилади тил,
Ва борлигим титр-йди дйр-дйр.

«Айтинг» дейсан, кетимдан қолмай,
«Айтинг» дейсан, енади кўзинг.

Юргандирсан балки айтолмай,
Мен айтмаган шу сўзни ўзинг.

ЖОНОН БИЛСА СЕВГИ ҚАДРИНИ

Шод этай деб меҳрибонини,
Аямайди йигит жонини.
Унга шу ёр кўринар ҳаёт,
Унга шу ёр туюлар қанот.
Жонон билса севги қадрини.

Йигит тоғлар чопмоғи мумкин,
Ёр не деса топмоғи мумкин,
Аммо, қайтмас, букилмас сира
Миннат қилмас, ўкинмас сира,
Жонон билса севги қадрини.

Йигит берса ёрга ваъдани,
Оловларда куймас бадани.
Қайтмас, этар тоғларни талқон,
Қайтмас, этар кўксини қалқон.
Жонон билса севги қадрини.

Йигит ўтда куймас бўлса ҳам,
Йигит сувга чўкмас бўлса ҳам,
Ёрнинг ноҳақ, қалтис бир сўзи,
Уни барбод этмоғи мумкин,
Мард бошига етмоғи мумкин.

Шод этай деб меҳрибонини,
Аямайди йигит жонини,
Жонон билса севги қадрини.

ОТАГА УХШАШЛИК.

Кўп чоллар, кампирлар уйга келдилар,
Отанга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Бобонгиз Худирган обрўли, тахтли,
Тенгсиз олмос эди отангиз ақли.
Ноҳақ иш кўрганда чиқарди жаҳли.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Отамнинг тенглари уйга келдилар,
Отанга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Уаун бўй, қизил юз, қўй кўзли эди,
Меҳнаткаш, соф юрак, тик сўзли эди.
Камбағал, гурунчи, нон-тузли эди.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Кўп кўрган деҳқонлар уйга келдилар,
Отанга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Қўллари қабарик—қайроқ тош эди,
Деҳқонлар ичида олдин—бош эди.
Экинни энг эрта у экиб еди.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Ҳунарманд сафдошлар уйга келдилар,
Отанга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Уй, ўчоқ, пешларни у қуради эди.
Энг гўзал шувонни у урар эди.
Бош уста ҳисобда у турар эди.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Чорвадор, боғбонлар уйга келдилар,
Отанга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Юрмасди чаман, боғ, гужумсиз, толсиз,
Рўзгорни қўймасди товуқсиз, молсиз.
Чой ичмас сариёғ, қатқисиз, болсиз.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Кадхудо, катталар уйга келдилар,
Отанга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.

Жойига кўярди меҳнат нархини,
Биларди яхшию ёмон фарқини.
У ҳалол, емасди биров ҳақини.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Отамга улфатлар уйга келдилар,
Отангга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Уйида улфатсиз ичмас эди ош.
Бағри кенг, юзида куларди қуёш.
Бек келди, дердилар туриб қари—ёш.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Кариндош, уруғлар уйга келдилар,
Отангга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Қоронғида маълум эди товуши.
Юрмасди орани бувиб, совушиб.
Сўқмоқни узманг, деб келди қовушиб.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Мункайган ошпазлар уйга келдилар.
Отангга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
Тўйлар, давраларнинг жони эди у,
Энг ширин суҳбатлар кони эди у.
Ош қилса биринчи сони эди у.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Отам тенг донолар уйга келдилар,
Отангга ўхшабсан, ўғлим, дедилар.
У кўнгил қўйганди онанг ёлғизга,
Боқмасди бегона хотинга, қизга.
Оёгин босмасди ҳеч ёмон изга.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Отамга суҳбатдош дўстлар келдилар,
Отангга ўхшабсан ўғлим, дедилар.
Отанг шонр эмас, чечанди сўзга,
У келса жим бўлиб тингларди ўзга.
Енгди, Рақиб раёгин ўхшатиб бўзга.
Сенда ҳам кўринар шундай аломат,
Илоё бўлгайсан соғу саломат.

Ўғил, қиз, исварам уйга келдилар.
 Бобом қандай эди, айтнинг, дедилар.
 Отамиз меҳнаткаш, доно эдилар.
 Донмо ҳалол бўл, ўғлим, дедилар.
 Ҳислатин юр кка жойлаб келдилар.
 Шу сабаб қонларин қонимиздадир.
 Жонлари барҳаёт жонимиздадир.
 Сизда ҳам кўринар шундай аломат,
 Илсе бўлгайсиз соғу саломат.

Гурлан, декабрь 1992 йил.

ҚОР

Оппоқ, оппоқ, оппоқ ҳар тараф,
 Нур чарақлар, қамашади кўз.
 Нур чарақлар, бўлмас тик қараб,
 Қор зарралар гўё тўп юлдуз.
 Кундўз ёғди, ёғди узуни тун;
 Тўхтамади ҳаттоки саҳар.
 Гўё ерга нонушта учун,
 Сахий осмон қуярди шакар.
 Қуяр тошиб осмон илҳоми,
 Тўйиб-тўйиб шимар она ер.
 Оппоқ қордир бинолар томи,
 Қорга гўё; қучоқла, кел, дер.
 Оппоқ эди поёнсиз осмон,
 Ҳатто оппоқ дарахтлар шохи,
 Оппоқ эди бир бутун жаҳон,
 Ҳеч нарсанинг қолмаган доғи.
 Тиқиламан, бўламан мафтун,
 Дилда ўсар орзу куртаклар,
 Қани бедоғ, оппоқ оламда,
 Оппоқ, тоза бўлса юраклар.

ҚИРҚ ҚУЛОҚЛИ ЗОЛИМ ХОН

(ЭРТАК)

Қадим-қадим замонда,
 Бағдод эли томонда,
 Утган экан золим хон,
 Қилиб элнинг бағрини қон.
 Ўзига обрў истаб,

Ҳаммани қувиб, қистаб,
Чиқарган турли қилиқ,
Эл бўлган сарсон илик.
Кимнинг нима дегани,
Ичганию егани.
Ким йиғлар, кимлар кулар,
Ким мақтаб, ким сўкилар.
Ким не ишда, нима бор,
Ким бадавлат, кимлар зор,
Қозонда қайнаган ош,
Одам, ҳайвон неча бош,
Ким урушқоқ, ким ювош,
Кимлар қари, кимлар ёш.
Бутун ҳолни билай деб,
Зўр каромат қилай деб,
Золим хон йиллаб, ойлаб,
Яшаган гап-сўз пойлаб.
Саройда шивир-шивир,
Гап тошган қийшиқ-қинғир,
Авж олиб фисқу фасод.
Хон иши бўлган касод.
Хон ўзи гап-сўз йиғиб,
Гапларнинг сувин сиқиб,
Негадир тинч бўлмабди,
Гапга кўнгли тўлмабди.
Дебди: Менда қулоқ оз,
Шу сабаб ишлар носоз,
Яқину олислардан,
Ўзига холислардан,
Хон кўп қулоқ тутибди,
Улардан гап кутибди.
Лаганбардор, ҳаромхўр,
Тухматчилар бўлиб жўр,
Хонни мақтаб, ёқлабди,
Ҳар бир ишин оқлабди,
Хон уйқудан очса кўз.
Тайёр сонсиэ гапу сўз.
Тўқимаю ғирт ёлғон,
Иғво, тухмат ва бўҳтон,
Хонга ёқиб қолибди.
Тинглаб, ором олибди.
Ҳамма зотни билдим деб,

Зўр каромат қилдим деб,
Элни уриб, сўкибди,
Беҳуда қон тўкибди,
Азоб бўлиб ҳар иши,
Хон олган эл қарғишин.
Хоннинг паст «қулоқ»лари,
Гап-сўзга «Булоқ»лари,
Хонни алдаб, аврабди,
Ҳар кун келиб жаврабди.
Хон гап-сўзга тўймасдан,
Золимлигин қўймасдан.
Ишин санаб аълога,
Йўлиққан зўр балога.
Хон танаси пичирлаб,
Алланучук гичирлаб,
Қорин, елка, оёқдан,
Юзларидан, бош ёқдан.
Ўсиб чиққан қулоқлар,
Бўшашиган қўл, оёқлар.
Хоннинг семиз бадани,
Бўлган қулоқ Ватани.
Санасалар, эмас оа,
Қирқта қулоқ — қирқ шоввоз!
Қирқ қулоқ деб золим хон,
Овоза кетган ҳар ён.

Қирқ қулоқ ҳам ҳувиллаб,
Аччиқ елдай ғувиллаб,
Тинмай ютган гап-сўзни,
Юмолмаган хон кўзни.
Гапга тўймай ҳангу манг,
Бўлган хоннинг ҳоли танг.

Йўқолиб тинчу, ором,
Давлати бўлган ҳаром.
Хон йўлиққан балога,
Илож топмай давога,
Дуо—табгир, эм қилган,
Бор бойлигин ем қилган.
Кундан-кун ҳоли ёмон,
У борган ажал томон.

Саройда бир кекса қул,
Аҳволни билиб буткул,

Хонга раҳм қилибди, -
Дардни фаҳм қилибди.
Қул яланғоч, ярим оч,
Хонга борган ноилож;

— Айтаман бугун ошкор.
Элга сир дардингиз бор.
Майли жафо қилсангиз,
Ўртаб, терим шилсангиз,
Паноҳим ёлғиз — худо.
Бўлсам ҳам жондан жудо.
Хоннинг бағри эрибди,
Қулга рухсат берибди:
— Омон сақлай ўзингни,
Айт, эй банда сўзингни.

Қул сўзалаб бирин-бирин,
Айтибди дарднинг сирин.
— Сиз бериб халққа озор.
Қилдингиз эли мазор.
Ҳамма ёқ фисқу фасод.
Ишингиз бўлди касод.

Аҳмоқни одам санаб,
Йиғдингиз улардан гап.
Алдади улар эшиб,
Ҳақмиз, деди том тешиб.
Танангиз гапдан шишиб,
Қовундай тўрлаб, пишиб,
Қирқ жойидан тешилди,
Қулоқ ўсиб бенилди.

Танангизда қулоқлар,
Юз, қорин, қўл, оёқлар.
Қиламан ундан ҳоли,
Тўкилар барг мисоли.
Битта шартим бор фақат,
Бажаринг, қилиб тоқат.

Нечасиз аҳмоқлардан,
Гап тинглар қулоқлардан,
Ишонманг ёлгон гапга,
Ўз солинг ўнгга, чапга,
Қилмайсиз элга зулм,
Битсин қон тўкиш, ўлим!

Аввал кўрсин кўзингиз,
 Одил бўлсин сўзингиз,
 Шунда кетар сиздан дард,
 Қулоқларни кесай шарт.
 Бўлмас оғриқ, азоби,
 Мен бу дарднинг қассоби,
 Хон бирдан ҳушёр тортиб,
 Қулга ихлоси ортиб,
 Ялиниб, ёлворибди,
 Йиғлай-йиғлай ҳорибди,
 Қулга чин сўз берибди,
 Бағри мумдай эрибди.
 Шундан сўнг қул бечора,
 Хон айбин кечирибди,
 Бу дардга топиб чора,
 Сирли сув ичирибди,
 Шундан сўнг шартта-шартта,
 Пичоқ солиб қирқ марта,
 Қулоқларни кесибди,
 Ерда тепиб, эзибди,
 Хон бўлган дарддан холи,
 Булут кетган мисоли,
 Очилибди осмони,
 Қул жонининг посбони,
 Хон тарк этиб тахтини,
 Излаб кетган бахтини,
 Шу-шу элда зулм йўқ,
 Халққа азоб, ўлим йўқ,
 Хўрланган қул—доно чол,
 Қўллари-гул, сўзи-бол,
 Бўлган шоҳ ўрнига шоҳ,
 Элга бўлган бахт ҳамроҳ,
 Кимки яхши ўйласа,
 Эртандан шу хулоса:
 Ҳеч кишининг ақлини,
 Ёлғон гап-сўз тўсмасин,
 Қарғиш олиб танида,
 Қирқта қулоқ ўсмасин.

ИИРТҚИЧЛАР ТУҲМАТИ

Ҳайвонлар жам бўлиб кенгаш айлабди,
Ўзига шоҳ қилиб шерни сайлабди.
Бари интилибди шерга ёқай деб,
Тезроқ таъзим қилай, кулиб боқай деб.
Фақат от камтарин меҳнат қилибди,
Ҳалол иш, софликни зийнат билибди.
Ииртқиҷлар тўдаси тил топиб секин,
Ўғирлик бошлабди, яшабди текин.
Ўғирлар кетибди семириб, бойиб,
Текинга қурган уй—жаннат ажойиб.
Машина, гиламлар тури, туридан,
Ўйнашлар танлашган пари, ҳуридан.
Шерни кўп мақтаган, номини сотган,
Жиноят аталмиш ботқоққа ботган.
Шер бир кун бу ишни сезиб қолибди,
Ўғри ходимлардан безиб қолибди.
Устига кийдириб йиртиқ, ямоқни,
Уларга амр этган ўлим, қамоқни.
Оғзига келибди йиртқиҷлар жони,
Бўкириб ларзага солган дунёни.
— Шер бизга ўргатди алдаш, порани,
Ноҳақ қурбон этар биз бечорани.
Барин кўриб турар осмонда Худо,
Ҳалойиқ, сиз учун биз жондан жудо.
Ҳайвонот дунёсин катта, кичиги,
Қушлару, балиқлар, оҳу, кучуги.
Амалдор ўғирлар ёнин олибди,
Нажот деб, Худога фарёд солибди.
Бир бўлиб рад этган шернинг сўзини,
Тахтидан ҳайдабди шоҳнинг ўзини.
Ҳалойиқ етаклаб улар қўлидан,
Ииртқиҷлар қутулган қамоқ, ўлимдан.
Ўз ифлос ишларин санаб аълога,
Шерни дучор қилган туҳмат-балого,
Оғир кунга қолган одил подшо шер,
Дард чеккан, охири ютган қора ер.
Ииртқиҷлар қутуриб элни алдаган,
Алданмас мардларни босиб, талаган,
Ўрмонзор ғалаёни ичида қолди,
Тотувлик ўрнини тўполон олди.

Кучлилар емоқда кучсизни тутиб,
Анқовлар ем бўлар адолат кутиб,
Шоҳликка келмаса яна насли шер,
Ўрмонда жон қолмас, булар тақир ер.

ДУКОН ОЧАМИЗ

(Бир хотиннинг эрига дағдағаси)

Хотин деган эрни эр қилар,
Ёмон бўлса қора ер қилар,
Эр-хотинни бойлик шер қилар,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Кўзни очиб замонга қаранг,
Ҳамма нарса тортилган таранг.
Ҳаммаларда пул жаранг-жаранг.
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Бир ойликка қорин тўймайди,
Ҳамма одам тилло ўйнайди.
Бола-чақа пул, деб қўймайди,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Сиз юрибсиз, оғизни очиб,
Ҳамма юрар пул, олтин сочиб,
Эрга хотин талаби вожиб,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Дўкончидир, муаллим, дўхтир,
Бош бухгалтер, раис, директор..
Сабаб унда фойда йирикдир,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Биров ароқ, биров мой сотар,
Биров шакар, биров чой сотар,
Ўғри, тўғри, ғариб, бой сотар,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Бир қўшнидан оласан арзон,
Қиммат сотиб қиласан сарсон.
Сабзи, пиёз, ун карвон-карвон,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Энди қолди табибу фолчи,
Дўкончининг олиғи олчи.
Дўконда кўр болани, чолни,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Бетинг қалин, виждон йўқ бўлсин,
Рост сўзлама, ёлғон кўп бўлсин.
Кўпроқ пул топ, кўнгил тўқ бўлсин,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Ор-номуснинг обрўси қочди,
Пул топганнинг обрўси ошди.
Замон шундай ишга йўл очди,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Давлатда йўқ, тўладир бозор,
Кўриб одам ақлидан озар,
Фойда олар ҳеч тортмай озар,
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

Ишёқмас ва ўғри бўлди бой,
Тўғри юрсанг аҳволинга вой!
Ҳеч ким бермас сенга нон ё чой!
Шартим шуки, дўкон очамиз,
Ё рўзгорни ташлаб қочамиз.

ШУҲРАТ ИЗЛАМА

Майли суягини қўлласин Султон,
Устига кийдирсин Зарбоф кийимлар,
Юрагини десин қайнаган Вулқон,
Қадамига сочсин тилло тийинлар.

Олтиндан уй қуриб, Ҳайнал ҳам қўйсин.
Наслим улуғ дея солсин овоза,
Мармар деворларга расмини ўйсин.
Ҳаёти ҳаммага десин андоза.

Ойнаи жаҳонда кўрсатсин кун-тун,
Ойнома, рўзнома тўхтамай ёзсин.
Сохта шуҳрат учун ақлидан озсин,
Бу хизмат қилмайди улуглиқ учун.

Майли ҳар сўзингни қилсинлар қўшиқ,
Табаррук десинлар босган изингни.
Атасин дунёда энг улуғ ошиқ,
Барибир топасан асли ўзингни.

Барибир хас бўлиб қолаверар ҳас,
Асло айланмайди олтин таёққа.
Юрагинг осмонни қилса ҳам ҳавас,
Фақат ер босилар, билгин оёққа.

Чўмичга чиқади қозонда бори,
Сохта ясаб бўлмас шуҳрат, обрўни.
Қаторда юмаса агарда нори,
Улуғ карвон десанг бир пулдир уни.

Юракларда ҳурмат, муҳаббат уйғот,
Меҳнатинг, ижодинг жўш уриб турсин.
Қуруқ мақтовларни парчалаб йўқот!
Табиий халқ меҳри сенга бўюрсин.

Ҳақиқий истеъдод, хизматинг нўрсат,
Ўткинчи мансабдан излама бахтни,
Халқингга муносиб бўлолгин фурсат,
У берар боқий шон, тож ила тахтни.

УЯЛ, ЭИ НАРХИ-НАВО!

Уял, эй нархи-наво! Чиқдинг юлдузга!
Дўнасан етмай бир кеча-кундузга,
Бугун беш, эртага чиқасан юзга!
Бу ҳолда бир кунни ўлдирасан сен,
Элни ғам-ғуссага тўлдирасан сен.

Чидамас пул тугул шоли сомон ҳам.
Чидамас ҳукумат, янги замон ҳам.

Тез кун найрон бўлар яхши, ёмон ҳам.
Бу ҳолда бир кун и ўлдирасан сен,
Элни ғам-ғуссага тўлдирасан сен.

Ойликни икки бор ошириш ҳиммат.
Бозорда сотилар ўн марта қиммат.
Бозордан орқада нега ҳукумат?
Бу ҳолда бир кун и ўлдирасан сен,
Элни ғам-ғуссага тўлдирасан сен.

Кўп оғир бу доно халқимиз иши,
Билади бун и эл сўраган киши.
Нега синдирилмас ҳаромхўр тиши?
Бу ҳолда бир кун и ўлдирасан сен,
Элни ғам-ғуссага тўлдирасан сен.

Юқори ўрлама, тўхта, пастга туш!
Нархни белгилашга керак ақлу ҳуш.
Сен сабаб бўлмасин қон тўкиш, уруш!
Бу ҳолда бир кун и ўлдирасан сен,
Элни ғам-ғуссага тўлдирасан сен.

ҚАЙДАСИЗ, МОЛЛАР?

Қорин тўйғазишга нон ва ош керак,
Бадани ёпишга кийим-бош керак.
Тўшакча, мол ўти, тупроқ, тош керак,
Яратган халқ билмас, қайдасиз, моллар!
Меҳнаткаш, ҳалолга фойдасиз моллар!

Болани олгандай она — бешикдан,
Моллар олинади турли тешикдан.
Кўринмас ким борса тўғри эшикдан,
Яратган халқ билмас, қайдасиз, моллар!
Меҳнаткаш, ҳалолга фойдасиз моллар!

Сени излаб топмай, қолиб озорга,
Охири берамиз чайқов бозорга,
Яхши моллар тушган худо безорга,
Кўрдик биз — кимдасиз, қайдасиз моллар!
Меҳнаткаш, ҳалолга фойдасиз моллар!

Бу ҳолни органлар, назорат билар,
Ўғрилар халқимнинг терисин шилар.
Ишламай бой бўлар, жиноят қилар,
Билдик биз — кимдасиз, қайдасиз моллар!
Меҳнаткаш, ҳалолга фойдасиз моллар!

Фуқаро қийналар адолат кутиб,
Ўтри шод эл ҳақин юҳодай ютиб.
Эл каргар: кўрсатгай ҳақ худо тутиб,
Биз билдик — кимдасиз, қайдасиз моллар!
Заҳар бўл! Эй халққа фойдасиз моллар!

АЖРИҚ РАҲБАР

Ариқнинг четига кўкарса бир тўп,
Тезде эгаллайди у бутун рошни.
Кўпайиб кетади илдизи тўп-тўп:
Остида қолдириб тупроқни, тошни.
 Майли чирмашса ҳам бу оддий майса,
 Кетмону ўроқлар қилар бир илож.
 Ажриқ мижоз бўлган раҳбар кўпайса,
 Илдизи сездирмай топади ривож.
Ўзи бошлиқ бўлган улкан даргоҳга,
Ҳисобчи, замлар ҳам ўзи томондан.
 Бегона одамни итарар чоҳга,
Ўзгани тўйдирад донсиз сомондан.
 Омборнинг мудури бир йўгон томир,
 Бири эгаллаган ферма, гаражни,
 Шундай зич устидан ўтмайди ёмғир,
 Боғчага ўрнатган хотин-халажни.
Бошлиқнинг илдизи боғбон, тарозбон,
Участка бошлиғу бригадир ҳам,
Бошлиқ «Лазги» чалса, чалса «Оразбон»,
Ходимлар ўйнашар бари бўлиб жам.
 Бегона бир мушук ўтолмас, бундан,
 Бошлиқнинг томири бунда ҳар ходим,
 Туман, Вилоятни олар кун-кундан,
 Бошлиқ қўрқмай мағрур ташлайди одим,
Ҳисобсиз фойдалар бўлар ўртада,
Зарарга бошлиқнинг асло тоби йўқ.
Йўллари чизилган гўё картада,
Хеч хато кетмайди бошлиқ отган ўқ.
 Бу доно бошлиққа ким томир бўлса,
 Пичоги кесади доим гўшт, ёғни,
 Ҳўкиз деб санарлар ит, мушук ўлса,
 Пул қилар кераксиз чангни, тупроқни.

Бу ажриқ раҳбарнинг дарди халқ эмас,
Тинчгина пулларга тўлса бас кисса,
У ўйлар: гўрдаги ўликлар эмас,
Қиссадан ортганин олади касса.

Унинг мушугига «пишт» демас биров,
Ким бошин кўтарса қилади гумдон.
Сонсиз томирлари енгишга гаров,
Гаровдир пул, олтин тўлган кўп хумдон.

Ажриқни бир зумда мумкин йўқотмоқ,
Раҳбар ажриқ бўлса йўқотиш қийин,
Бошлар пистирмадан сенга ўқ отмоқ,
Ҳақлар ноҳақ бўлиб кетиши тайин.

Дейдилар: кийикнинг шохига урсанг,
Сирқираб оғрийди барча оёғи,
Ажриқ раҳбар билан рақобат қурсанг,
Бошингда синади қамчи, таёғи.

Ажриқ сўқмоқлардан ўтса ҳам йўлинг,
Ажриқ раҳбарларга бўлмангиз дучор,
Улар тез қайирав узатган қўлинг,
Янгилик, ўсиш йўқ токи улар бор.

Болаларга атаганларим

ГУЛҒУНЧАЛАР

Тўп-тўп бола — гулғунчалар,
Нозик, гўзал сиз шунчалар,
Ота-она эркаси сиз,
Норлоқ ҳаёт эртаси сиз.

Шўх булбулдай сайраб ўсинг,
Ўйнаб, кулиб, яйраб ўсинг,
Меҳнат, ўқиш — орзу тилан,
Элни севиб урсин юрак.

Сиз келажак ишбошисиз,
Улуғ зотлар издошисиз,
Эл бахтига сизлар керак,
Ватан, халқ деб урсин юрак,

ҚҰЙНИНГ СҰЗИ

Мен бир ювош қўйингиз,
Қўйсиз ўтмас тўйингиз.
Телпак, пўстин қилинсам,
Кўркам бўлар бўйингиз.

Жуним билан иситиб,
Гўштим билан боқаман.
Шу сабаб одамларга,
Жуда-жуда ёқаман.

КҰРДИМ ФИЛДАЙ ПАХТАКОР

Кезиб юриб пахтазор,
Кўрдим филдай пахтакор.
Тинмай ишлар кун бўйи,
Ухламайди тун бўйи.
Юз одамча ғайрати,
Филдан ҳам зўр қуввати.
Иши жоннинг дармони,
Ким дўст — қолмас армони.
Тинмай пахта хўплайди,
Тонна-тонна тўплайди.
Хирмон этар барини,
Зое қилмас гардини.
Оёқлар оддий шина.
Бу — пахтакор машина.
Шундай филлар яратган,
Дехқон дилин яйратган:
Раҳмат, олим, ишчига,
Меҳнаткаш ҳар кишига.

КАПАЛАК

Кўк капалак , оқ капалак,
Қанотингни қоқ, капалак!
Қўнавергин гулдан-гулга,
Мен кетингдан тушиб йўлга,
Кезай юртим гулбоғларин,
Бахмал майса-ўтлоқларин.
Кўк капалак , оқ капалак,
Қанотингни қоқ, капалак!

ЭНГ МАЗАЛИ НОН

Бир тўп жажжи болалар,
Бобосини ўрашди.
— Дунёда энг ширин нон—
Ким ёпар?—деб сўрашди.
— Болаларим, бу савол,
Билсангиз жуда осон.
Дунёда энг ширини—
Оналаринг елган нон.
Сабаби, бола учун,
Улўғдир она меҳри.
Ҳар бир нонга сингади,
Меҳрнинг шарбат сеҳри.

КУНДУЗИ ПОРЛАР ЮЛДУЗ.

Ҳап бошлар бобо ўзи,
Унда болалар кўзи.
— Айтингчи, куппа-кундуз,
Ким курган ёруғ юлдуз?
— Мен, — дейди улар бири.
Бунинг йўқ асло сири,
Солдат-қўшни акамиз,
Уни кўриб ҳаммамиз,
Тез борамиз қошига,
Ва боқамиз бошига,
Гербида куппа-кундуз,
Порлайди чўлпон юлдуз.

ШИРИН ҚОВУН

Қовун пишиб деҳқон уғли,
Меҳмон қилди жўрасин.
Дер: — топилмас бундай хили,
Тилни ёрар ширасин.
Дўсти дейди: —кўп мақтама,
Топган гапингга қара.
Бу қовунни зўр атама,
Тил ёриб қилса яра.
Қовунинг кўп ширин бўлсин,
Асло тилни ёрмасин.
Ҳеч ким яра тили учун,
Дўхтир излаб бормасин.

КАРАМ БОЛА

Богчада бор Карим бола,
Хамма дейди: Карам бола,
Карам деган нима ўзи?
Бу болага мосми сўзи?
Сиз ҳайратга тушманг сира,
Бола ўзи шундай хира,
Қишда кийиб қават-қават,
Шишиб бўлар худди сават.
У кийимга шунча қарам,
Қат-қат кияр, худди карам.
Қават-қават кийим сабаб,
Каримбойга карам лақаб.

КЎПРИК

Кичик кўприк анҳорда,
Анҳор тўлар баҳорда.
Борсалар Ортиқ, Учқун,
Чўкибди кўприк бутун,
Савол бериб ўзига,
Ортиқ айтар дўстига:
— Семиз-семиз одамлар,
Гурс-гурс ташлаб қадамлар.
Бу кўприкдан кўп ўтган,
Шундан у чўкиб кетган.
Анҳорга назар ташлаб,
Учқун дер бошин қашлаб:
— Сув ва кўприк урушган,
Кўприк йиқилиб тушган.

БИР ҚУЛИМ УИДА ҚОЛДИ

Рожаб бобо — қўшнимиз,
Бизларга кўп ўқ отган.
Фашист билан жанг қилиб,
Бир қўлини йўқотган.

Болалар уни кўрса,
Сўранди қўлларини,
Устингга душман юрса,
Қутулиш йўлларини.

Бўш келмайди бобо ҳам,
Дўққилатиб таёгин.
Болаларим, бўлманг кам,
Сизлар — қўлу-оёғим.

Бола, бола эканда,
Сўрар ҳар йўлиққанда..
— Қўлингиз қайда қолди?
— Қўлингизни ким олди?

Бобо ноилож эди,
Охири кулиб деди:
— Энди эсимга солдим.
— Шошиб йўлга чиққанда,
Бир қўлим уйда қолди.

АЛИЖОННИНГ ЖАВОБИ

Укам Алижон,
Боғнинг тўрида.
Ўқирди китоб,
Етиб сўрида.
Бирдан эсди-ю,
Шаббода ғир-ғир.
Китобни пир-пир,
Очиб кетди у.
Дадам кулимсаб,
Шунда Алига.
— Тез-тез ўқишни,
Билмай ҳали ҳам.
Ўтирган деб ел,
Кўрсатиб кетди.
Тез-тез ўқишни,
Ўргатиб кетди.
Деб қилди ҳазил,
Алижон дадил.
Дадамга шу тоб,
Қайтарди жавоб:
— Дада, ел ўқиб,
Уқмас ҳеч бирин.
Оламан ўқиб,
Мен китоб сирин.

ШАҲЛО ВА УКАСИ

Шаҳло қизим эрталаб,

Укасини эркалаб,

Етаклади, овути.

Ич—, деб чой ҳам совутди.

—Энди ўзинг ўйнайвер,

Айланай ука, деди,

Мен мактабга боришга,

Шайланай, ука, деди.

Укаси нон узатиб,

—Ейман, ёғ сурка, деди.

Агар ёғ суркамасанг,

Демагин, ука деди.

ҚИШ БОБО СЎЗИ

Деманг мени аёз қиш,

Мен қайноқлик истайман.

Қайда бўлса саёз иш,

Совуғим-ла қистайман.

Кимки қайнаб жўш урса,

Иш қўйнига тўш урса,

Ундайларга йўқ аёз,

Тоза қўйним мудом ёз.

Кимки дайдиб бўш юрса,

Танин тимдаб, бураман.

Топаман қайда турса,

Яшин бўлиб ураман.

Деманг мени аёз қиш,

Истагимдир қайноқ иш.

БОЛАЛИК

Тўплар тепиб кетидан қувдим.

Тупроқларга юзимни ювдим.

Шўх сойлардан шўх бўлиб оқдим.

Чақмоқларга ўт бўлиб боқдим.

Чивиқларни учқур от этдим.

Тулпорларни шундай мот этдим.

Етказмадим қувганда еллар.

Қалқимадим ювганда селлар,
Егочларга қуш булиб чиқдим,
Хорғинлиқни чалғитиб йиқдим,
Қишин-ёзин кулдим лоладек,
Шундай ўтдинг чаққон болалиқ.

МЕХР ҲАҚИДА

— Одам қўйса одамга меҳр,
Инсон кўрки, ҳаёт чиройи.
Меҳрда бор қандайин сеҳр?
Мен тушунай, гапиринг, ойи?
 Онасидан сўрар Зиёда.
 Она қизга кулиб ташлар кўз:
 — Қизим, унинг маъноси седда,
 Меҳр сўзи — қуёш деган сўз,
Иккиси ҳам ҳаётнинг жони,
Фақат бошқа оламда ўрни.
Меҳрларнинг юрак макони,
Қуёш олган осмондан турни.
 Қуёш билан олам мунаввар,
 Бор мавжудот қилади ҳузур.
 Меҳр билан чулганса агар,
 Юракларга нур тўлади, нур!
Меҳрдандир севги, муҳаббат,
Меҳр улуг дўстликка она.
Садоқатдан, меҳрдан фақат,
Эл яратса неки дурдона.
 Болажонлар, қуёшдай яшанг,
 Тинч заманда порлаб турсин у.
 Юракларда меҳрни асраиң,
 Бир-бирини чорлаб турсин у.

ҚОШИҚНИНГ СЎЗИ

Мен қошиқман, қошиқман.
Одамларга ошиқман.
Мени ҳар кун юварлар,
Микроб, чанғи қуварлар,
Соғлиққа очиб йўлни,
Темкизмай инфлос қўлни,
Оғизларни ўпаман,
Ширин овқат тўқаман.

Уйида меҳмон кўтиб,
Ўқулига мени тутиб,
Турли ош, қаймоқ, асал —
Еганлар бўлмас касал,
Ясаган мени одам,
Танийди бутун олам,
Сабаби ишим холис.
Ялқовлик мендан салис,
Мен тозалик, мен тартиб,
Қўйинглар ювиб, артиб,
Мен қошиқман, қошиқман,
Одамларга ошиқман,
Ҳар одам мени севсин,
Мен билан овқат есин.

НОРҚУЛНИНГ ЖАВОБИ

Тарелкага терилган,
Семиз, ситлиқ помидор.
Ёб кўрсангиз бир тишлаб,
Сув оқади шўрра-шўр.

Бир кун қайтиб мактабдан,
Норқулнинг ёлғиз ўзи,
Токчада помидорга,
Бирдан тушади кўзи.

Норқул азал-азали,
Помидорга ўч эди,
Қандай семиз, мазали,
Ҳавас-ла тўйиб эди.

Ишдан қайтиб ойиси,
Бўш идишни кўради,
Чақирдию, Норқулдан,
Помидорни сўради.

Норқул қолди унғайсиз,
Жавосин кутар она.
Ўйланиб у охири —
Топди шундай баҳона:

— Помидор сал чирибди,
Кўрдиму олиб едим,
Ивиб кетиб кечгача,
Зое бўлмасин дедим.

БАҲОЛАР БАҲСИ

Жам бўлишиб баҳолар,
Дилида муддаолар,
Бир кун очиқ сўзлашди.
Ўз фойдасин кўзлашди.
Тўпланишди бир жойга,
Элдан узоқ, сир жойга.
Аввал тушиб рақсга,
Сўнг киришди баҳсга:
Кимлар кучли, кимлар кўп?
Бир, икки, уч бўлди тўп.
Бир айтади, — бизлар кўп,
Бизга ўхшар ҳар бир чўп.
Ҳисоб-китоб пайтида,
Аввал бир деб айтилар.

Одамларнинг боши бир.

Туғилганда ёши бир,
Яна энг зўр юрак бир.
Ҳаётда энг керакдир.
Ўқувчига ёпишсам,
Жўра бўлиб топишсам,
Кетмайман ҳеч ёнидан,
Доим тегиб жонига.
Қай бола мени олса,
Мен билан бирга қолса,
Билмасларнинг боши у,
Бирнинг кўзи, қоши у,
Қайга борсанг, бизлар кўп,
Худди йўлда ётган чўп.
Кичкина таёқ — бирман,
Шундай кучли, абжирман.
Икки турди ўрнидан,
Сув оқизиб бўрнидан:
Билинми, доим биз бор.
Бир бўлса икки такрор.
Айланган бир шохим бор,
Қийшайган оёғим бор.
Бу ҳаётда биз ҳам кўп.

Бамисоли қийшиқ чўп.
Одамларда кўз икки.
Билмасларда сўз икки.
Икки бурун тешиги,
Ифлос сувлар эшиги.
Икки одам оёғи,
Чаққон қўли, қулоғи,
Шу сабабдан ҳаётда,
Сақланамиз биз ёдда.
Эгилиб худди қармоқ.
Билмасга яқин бормоқ.
Доим орзу, ишимиз.
Бизлар энг кўп кишимиз.
Икки олса ўқувчи,
Йўқ билими, йўқ кучи.
Турди икки шохли уч,
— Мақтанганинг бари пуч,
Қўшилса бир ва икки,
Тенглашар учга чиқиб.
Бир, иккига бўлиб дўст.
Тўртга ҳам тикаман кўз.
Олган ўқувчи бола.
Кам қилар мендан нола,
Мен йўлдошман билганга.
Иккидан ор қилганга.
Кираман яхши сортга,
Интилиб доим тўртга.
Болалар севмаса ҳам,
Менинг соним эмас кам.
Дневник, дафтар бўлса,
Кўпларда учга тўлган.
Ётса агар менда куч.
Турмас эдим бўлиб уч.
Мени олган йигит-қиз,
Билими кам ва ожиз,
Тўрт кўзгалди: — Мен яхши!
Ўзим баҳолар нақши.
Тўртнинг тенгсиз кучи бор,
Уйларнинг тўрт бурчи бор.
Доим менинг дўстим тўрт.
Тўрт бурчақда устун тўрт.
Харитада томон тўрт,
Ололмайди ёмон тўрт.

Ҳайвонларда оёқлар,
 Ғилдиран-думалоқлар,
 Юмалақлар тўрт бўлиб,
 Одамлардан зўр бўлиб,
 Йилда ҳам бор тўрт фасл,
 Баҳодирман энг асл,
 Кимки менга етишса,
 Мени ҳурмат этишса,
 Яхшиликна эш бўлар,
 Тезде ўсиб беш бўлар,
 Беш турди оловланиб,
 Товўс каби товланиб,
 Баҳоларнинг боши мен,
 Билимнинг қуёши мен,
 Бўлмайман бекор жойда,
 Иш қайнар мен бор жойда,
 Ҳар қўлда бармоқлар беш,
 Бир-бирига улфат, эш,
 Не керакки, ўшлаймиз,
 Бир-иккини муштлаймиз,
 Учлар кетса йиқилиб,
 Тўртлар кетса қоқилиб,
 Кўтариб турғизаман,
 Соз йўлда юргизаман,
 Шу қадар ўрним баланд,
 Бу чексиз меҳру талант,
 Мени олар аълочи,
 Чиндан учкур ва лочин,
 Баҳолар туриб шу зум,
 Қилдилар бешга тазъим,
 Қараб баҳо юзига,
 Айтган ҳар бир сўзига,
 Сабоқ олсин ўқувчи,
 Шоир шеърни тўқувчи
 1986 йил.

ЧИДОЛМАЙДИ

Текканга тегади у,
 Тегмаса отар несак,
 Келтирар бошга қайғу,
 — Ўғлини тийинг, десак:
 Она ўглин ёқлайди,
 Мақтовга дум боғлайди

— Ёшгина ўғлим Назар,
Чидолмайди кучига,
Тинч юрай деса агар,
Жони сизмас нчига.

ҚУЕН ДУМИ

Дум зўр бўлган қуёнда,
Қўрқоқлик кетин очган,
Бўри думдан тутганда,
Думини узиб қочган.

ҚАИСАР РУЧКА

Карим отар ружани,
Дарс қилиб хато этса,
Ручка тўғри ёзмайди,
Отаси ишга кетса.

ЎҒИЛ САВОЛИ

Собиқ жангчи бобони,
Кузатиб хонасидан,
Жажжи ўғил сўрайди,
Отаси, онасидан:

— Жангчи бобом кўринса,

Ҳамма унга қарашар,

Нега унинг кўксига,

Орден, медаль ярашар?

Силаб ўғли бошини,

Онаси бошлар жавоб:

— Кўрсанг, бобонг ишини,

Ҳаммаси ибрат, савоб.

Визнинг орден, медаллар,

Юракларда юлдуз, ой,

Уни мардлар эгаллар,

Бобонг марддир, эркатой,

Жангда, меҳнат қўйнида.

Мардлик қилган бобонг кўл.

Орден, медаллар шундан,

Ярашади унга хўп.

ҚИЙИН САВОЛ

Ҳалим бобо — доно чол

Ечади неки савол.

Неваралар бир кун,
 Саволга тутди уни,
 Қўймади Кенжа, Камол,
 — Беринг деб. — қийин савол.
 Бобо бошин қашлади,
 Кулиб савол ташлади:
 — Жуфт одам ё тоқ одам,
 Икки кўзи соғ одам,
 Қандай чоғ ўхшар кўрга?
 Билмасдан тушар тўрга?
 Болалар бир-бир ўйлаб,
 Билганин очиқ сўйлаб,
 Бириси у деб кўрди.,
 Бириси бу деб кўрди.
 Тўғри жавоб бўлмади,
 Бобо кўнгли тўлмади.
 Болалар хом, пайқади,
 Секин бошин чайқади.
 Саволга яна қайтди:
 Жавобин ўзи айтди:
 — Бўлмай ўқиш, ўрганиш,
 Ёдда қолмас кўрган иш.
 Билим—кўз, билим—чироқ.
 Адашар бўлган йироқ.
 Тунда юрса чироқсиз,
 Сувдан кечса синоқсиз.
 Ҳар одам ўхшар кўрга.
 Англамай тушар тўрга.

НИМДИР ОТА-ОНАСИ?

Отаси эркалайди,
 Ўғил-қиз болаларин.
 Барига ном танлайди.
 Ҳайвонлар номи бари.

Бирини дер тошбақа,
 Бирисин кирпи, илон.
 Бирисин очкўз чўчқа,
 Бирисин товуқ, сичқон.
 Бир бола семиз айиқ,
 Бириси ҳакна, чумчуқ.
 Одамга эмас лойиқ,
 Бириси қора кучук.

Болалар бари ҳайвон,
Эркалаш баҳонаси,
Шундай бўла болажон,
Кимдир ота-онаси?

ШОФТОЛИ

Боғда пишган шофтоли,
Лабидан томар боли.
Ҳу, анордай қизарган,
Юзига тушган холи.

Тингла, қизим, Шоҳида!
Тегмай ўтгин шохига!
Ерга «тап-тап» тўкилса,
Қоларсан гуноҳига.

Истасанг, олиб берай,
Косага солиб берай,
Сен учун сават-сават,
Қўлларим толиб терай,

Бўлгин доно, соғлом қиз!
Меҳнатсевар, боғбон қиз!
Халқинг учун боғ ярат,
Ва бул унга посбон қиз!

ТУЯ ВА УЯТ

Туя сўзин тез-тез айтсанг,
Уят сўзи ҳосил бўлар.
Уят сўзин тез-тез айтсанг,
Туя сўзи ҳосил бўлар.

Феълнинг, ҳулқинг туя бўлса,
Одамга кўп уят бўлар.
Ҳамма иши уят бўлса,
Одам ҳайвон — туя бўлар.

МАҚСАД

Ари виз-виз учади,
Мақсади — чақиш,
Олов учқун сочади,
Мақсади — ёқиш.

Яхши елиб, югурар,
Мақсади — тузиш,
Ёмон алдаб, панд берар,
Мақсади — бузиш,

БИРОВ ҲИСОБИГА

Ишар биров, ҳисобига,
Инсофсиз, айёр киши,
Келмас ҳеч инсофига,
Алдашга тайёр киши.

Шумлик бору ҳунар йўқ,
Нияти, ичи қора,
Шундайлар бор оламда,
Иш чала, эл оввора,

ТОРТИШУВ

Балиқ сувга тортар,
Қушлар осмонга,
Туя қумга тортар,
Булбул бўстонга.

Чувалчанг судрайди,
Ернинг қатрига,
Тош, тупроқ мудрайди,
Жилмай нарига,

Ҳар жонвор ҳар ёққа,
Тортар ўлжани,
Ўз ишин битирмоқ,
Якка мўлжали.

Уларда кўринмас,
Бирлик, аҳиллик,
Гоҳида авж олар,
Ёвлик, баҳиллик,

Ҳаётда жўш урар,
Ҳамон шу оқим,
Онг билан одамзод,
Ягона ҳоким.

БАҲОРДА

Кунлар исиб қор кетган,
Ўлгага баҳор етган.
Далалар тортиб кўкиш,
Қуртаклар урмоқда ниш.

Қўшимиз ўган Омон,
Олиб белкурагини —
Борида ишлар ҳамон,
Қазир кўчат тагини.

Пардай юмшоқ этади,
Тупроқларни майдалаб.
Ҳар йил кўчат экади,
Юраги этар талаб.

Ўтган йил экканлари,
Ўсиб бўйидаи ошди.
Боси, ҳовлиси бари,
Кўчат билан туташди.

Эпчил Омон ишини,
Кўрганлар ҳавас қилар.
Меҳнатсевар кишининг,
Номи элга танилар.

УРУШҚОҚ ҚУЧҚОР

Қўчқор деган бела бор,
Тирилган юзи, қўли,
Доним жанжал топади,
Қаерга тушса йўли.

Ўртоқлари бир кун,
Койидилар Қўчқорни.
— Урушқоқсан, бунча ҳам,
Едингми, номус-орни?

Айбига бўлиб иқдор,
Сўзлади шунда Қўчқор:
— Биласизлар, зўр Қўчқор,
Истамас тек турниши,
Номга ласийқ бўлай деб,
Машқ қиламан урушни.

МУНДАРИЖА

Азиз юртим	3
Наврӯз	3
Мустақил эл аскари бўл	4
Гўзал Аму	6
Тошкент кўчалари	6
Истаклар	7
Инсон қадами	8
Излар	8
Фаввора	9
Оила булбуллари	9
Яхшига ўлим йўқ	10
Йигитлик	11
Кўнгил қоронғи бўлса	12
Чидамас юрак	12
Нонга сизининг	13
Ҳақиқат йўли	14
Ишонмас	14
Фақат шеърни севишим ҳақ	15
Тўртликлар	15
Ялқовнинг ҳаёли	15
Пахтанинг оқ ранги	16
Донм зорман шеър ва илҳомга	17
Нима етмас тўғри бўлмоққа?	17
Ёлгон сўз	18
Сохта таклифномалар	18
Одамлар ва мен	19
Кўприк	19
Катта ва кичик	20
Мусо Жалилдин ўйлаб	20
Чойхоначи	20
Навбат	21
Емғир	21
Соқчи ўйлари	22
Яхшиликка ҳавас	23
Шифокор	23

Юртим тарихи	24
Дўстга тилагим	26
Шифо қасри	27
Кераммасу?	28
Аввалги табиат қани?	28
Танкчи ва пиёда ҳақида сўз	30
Бободехқоним	31
Афғонистондан келаётган самолётга	32
Ипак йўли	33
Олтин	34
Эҳтиётлик	35
Худойберганбек Нидоси	36
Собирбек дутор чертганда	39
Янги йилга буюртмалар	40
Кўнглим ёш	42
Бир сўз айтаман	42
Жонон билса севги қ дрини	43
Отага ўхшашлик	44
Қор	46
Қирқ қулоқли Хон (эртақ)	46
Ииртқишлар тўхмати	51
Дўксон очамиз	52
Шуҳрат излама	53
Уял, эй нархи-наво!	54
Қайдасиз моллар?	55
Ажриқ раҳбар	56
Болаларга. Гулгунчалар	57
Қўйнинг сўзи	58
Кўрдим филдай пахтакор	58
Напалак	58
Энг мазали нон	59
Кундузи порлар юлдуз	59
Ширин қовун	59
Карам бола	60
Кўприк	60
Бир қўлим уйда қолди	60
Алижоннинг жавоби	61
Шахло ва укеси	62
Қиш бобо сўзи	62
Болалик	62
Меҳр ҳақида	63
Қошиқнинг сўзи	63

Норқулнинг жабоби	64
Баҳолар баҳси	65
Чидолмайди	67
Қуён думи	68
Қайсар ручка	68
Ўғил саволи	68
Қийин савол	68
Кимдир ота-онаси	69
Шафтоли	70
Туя ва уят	70
Мақсад	70
Биров ҳисобига	71
Тортишув	71
Баҳорда	72
Урушқоқ Қўчқор	72

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Адабий-бадний нашр.

Турсунбой КАРИМОВ.

АЗИЗ ЮРТИМ

ШЕЪРЛАР

Муҳаррирлар: Н. Комилов, Қ. Муҳаммадризо.

Рассом: М. Қўчқоров.

Расмлар муҳаррири: К. Олланазаров.

Техник муҳаррир: У. Гулимов.

Мусаҳҳия: М. Йўлдошев.

ИБ № 5157.

Босмахонага 19.04.93. да берилди. Босишга 07.05.93. да рухсат этилди. Бичими 60 X 84 1/16. Босмахона қоғози. № 2 янги рўзнома гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 4, шартли бўёқ оттискаси 4,2 Нашр тобоғи 4, буюртма 1219, жаъми 5000 нусха.

32-93 рақамли шартнома. Баҳоси келишилган нархда. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

«Маърифат» кичик корхонасининг буюртмаси билан чоп қилинди. Китобнинг гоаявий-бадний савиясига буюртмачи масъул.

Хоразм вилояти матбаа бошқармаси Гурлан ноҳиялараро босмахонасида босилди. Гурлан шахри П. Маҳмуд кўчаси, 82-уй.